

O'ZBEKISTON


MC-877
2008:1

TA'RIXI

1/2008

HISTORY OF UZBEKISTAN





Ўзбекистон Республикаси Fanlar akademiyasi

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ

Илмий журнал

Мундарижа

Мақолалар

- Ў. Мавлонов. Марказий Осиёнинг карвон йўлларида хизмат кўрсатиш тизимининг шаклланиши ва ривожини 3
- Д. Иноятова. Туркистондаги немис диаспорасининг тарихига доир 17
- Д. Кенжаев. Туркистон маърифатпарварлари томонидан фан ва таълимнинг диний легитимацияси 26
- А. Абдуллаев. Ўзбекистонда совет ҳокимияти янги иқтисодий сиёсатининг амалга оширилиши ва пахтачилик (1921-1924 йй.) 35
- ✓ Ш. Хайитов. Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш жараёнида ўзбек мухожирлигининг вужудга келиши 43
- М. Сарибасев. Совет ҳукуматининг 1965-1985 йилларда Қорақалпоғистондаги пахта сиёсати 56
- Д. Гуламова. Умуминсоний ва миллий кадриятлар: симбиоздами ёки яқкаҳольликда? 65

Тарихи нуқсонлик, манба ва талқин

- А. Отаҳўжаев. Марказий Осиё цивилизациясида Суғд ва Хоразм 73
- А. Муҳаммаджонов, Б. Маҳмудов. Қорахонийлар давлатининг ташкил топиши ҳақида айрим мулоҳазалар ... 81
- З. Саидбобоев. «Атлас Азиатской России» – Туркистоннинг XX аср бошларидаги тарихига доир манба 90
- В. Хан. Иккинчи жаҳон уруши йилларида корейсларнинг «мехнат армиясидаги» иштироки тўғрисида архив-хужжатли материаллар 101

Этнология масалалари

- А. Тоғаев. Нурота воҳаси аҳолиси анъанавий гиламчиликни масаласига доир 114

Тарихчи қутубхонасига


- Н. Маҳкамova. А. А. Голованов ва И. М. Саидовнинг «Ўзбекское дехканство на историческом повороте второй половины XIX – первой трети XX в.» монографиясига тақриз 122

Илмий ҳаёт: анжуманлар, учрашувлар, баҳслар

- И. Хўжахонов. «Академик Карим Шониёзов ўқишлари» туркумида «Ўзбекистон этнологиясининг долзарб муаммолари» мавзусидаги IV Республика илмий-назарий конференцияси ҳақида (2007 йил 14 декабрь) 126

Журналга 1998 йил
1-нумберида асос солинди
Бир йилда то'rt
мarta чiqadi

Тoshkent
Ўзбекистон
Республикаси Fanlar
akademiyasi
«Fan» nashriyoti



Содержание

Статьи

- У. Мавлонов. История формирования и развития системы обслуживания на караванных путях Центральной Азии 3
- Д. Иноятова. К истории немецкой диаспоры в Туркестане 17
- Д. Кенжаев. Религиозная легитимация науки и образования просветителями Туркестана 26
- А. Абдуллаев. Осуществление новой экономической политики советской власти в Узбекистане и хлопководство (1921-1924) 35
- Ш. Хайитов. Формирование узбекской эмиграции в процессе коллективизации сельского хозяйства 43
- М. Сарыбаев. Хлопковая политика советской власти в Каракалпакии в 1965-1985 гг. 56
- Д. Гуламова. Общечеловеческие и национальные ценности: симбиоз или исключительность? 65

Историография, источники и комментарии

- А. Атаходжаев. Согд и Хорезм в цивилизации Центральной Азии 73
- А. Мухамеджанов, Б. Махмудов. Некоторые рассуждения об образовании государства Караханидов 81
- З. Саидбобоев. «Атлас Азиатской России» – как источник по истории Туркестана начала XX в. 90
- В. Хан. Документально-архивные материалы об участии корейцев в «трудовой армии» в годы Второй мировой войны 101

Вопросы этнологии

- А. Тагаев. К вопросу о традиционном ковроделии населения Нуратинского оазиса 114

В библиотеку историка

- Н. Махкамова. Рецензия на монографию А. А. Голованова и И. М. Саидова «Узбекское дехканство на историческом повороте второй половины XIX – первой трети XX в.» 122

Научная жизнь: конференции, встречи, дискуссии

- И. Хужахонов. Из цикла «Шаниязовские чтения». О IV Республиканской научно-теоретической конференции «Актуальные проблемы этнологии Узбекистана». (2007 год. 14 декабря) 126

Тахрир хайъати:

Дилором Алимова
(бош мухаррир)
Мируэрт Абуссентова
(Қозғоғистон)
Омонудла Бўриев
Алишер Дониёров
Доно Зияева
Ўтқир Исломов
Мирсодиқ Исоқов
Элёр Каримов
Зоя Орифхонова
Эдвард Ртвеладзе
Ильза Сиртаутас (АҚШ)
Рустам Сулаймонов
Маргарита Филанович
(бош мухаррир ўрињбосари)
Темур Ширинов
Нозим Ҳабибуллаев
Шоира Асадова (масъул котиб)
М. Саидова
А. Мухерёва
(мухаррирлар)
Т. Гез (мукова дизайнери)

Манзилимиз:

100170, Тошкент,
И. Мўминов кўчаси, 9-уй.
Телефон: 262-38-73.

Журнал Ўзбекистон Республикаси
Давлат матбуот кўмитаси томонидан
рўйхатга олинган.
Гувоҳнома № 0051

Теришга берилди 15.04.2008.
Босишга рухсат этилди 8.07.2008.

Қоғоз бичими 70×100¹/₁₆.

Таймс гарнитура.

Офсет босма. Офсет қоғози.

Шартли босма 10,32 т.

Ҳисоб-нашриёти 8,0 т.

483 нусха. 134-буйртма.

© Ўзбекистон Республикаси ФА «Фан» нашриёти, 2008 йил.

«КО'НИ-NUR» МЧЖда босилди.
Тошкент ш., «Машинасозлар» мавзеси. 4.

Мақолалар

Ў. Мавлонов

МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ КАРВОН ЙЎЛЛАРИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖИ

Турли худудлар ўртасидаги доимий алоқаларнинг йўлга қўйилиши ва ривожланиб бориши карвон йўлларида савдо карвонларига, чопарларга, сайёҳларга, элчилик миссиялари аъзоларига ва умуман, йўловчиларга хизмат кўрсатиш масаласининг ҳал этилиши билан бевосита боғлиқ эди. Қадимги давлатлар шаклланиб, халқаро алоқалар изчил йўлга қўйила бошлагач, транзит йўлларда хизмат кўрсатиш ва хавфсизликни таъминлаш давлат аҳамиятига эга вазифалардан бири бўлиб қолди. Бу йўналишда олиб борилган ишларни йўлбўйи иншоотлари барпо этиш, йўллар хавфсизлиги учун масъул амалдорлар тайинланиб, уларга тегишли кўрикчи қисмлар бириктирилиши, савдо йўллари бўйлаб ҳаракат қиладиган элчилик миссияларини, чопарларни озик-овқат ва улов воситалари билан таъминлашни йўлга қўйилиши, узок ўлкаларга юбориладиган элчилик миссияларини, савдо карвонларини кўрикловчи махсус қуролли гуруҳлар, йўл бошловчилар хизмати пайдо бўлганлигини, чегараларда махсус божхоналар ташкил этилиб, савдо-сотикдан олинadиган бож тўловлари жорий этилишини ва бошқалар мисолида кўриш мумкин.

Карвон йўлларида хизмат кўрсатишнинг энг муҳим бўғинини хавфсизликни таъминлаш масаласи ташкил этарди. Табиий-географик шароит ва иқлимий ўзгаришлар ҳам йўлларда хавфсизликка жиддий таъсир кўрсатиб турарди. Айниқса чўл ва саҳролар, бепоеъ даштлар, тоғ доvonлари каби ўтиши қийин бўлган йўналишларда одамлар ва улов воситалари хавфсизлиги учун жиддий табиий тўсиқлар мавжуд эди. Бундай йўналишларда йўловчилар ва улов-транспорт воситалари учун озик-овқат ва ичимлик суви етишмаслиги, қум бўронлари, қор кўчкиси, сел ва бошқа табиий хатарлар, йўлларнинг ҳолати, аниқроғи йўлсизлик ҳам жиддий тўсиқ бўларди. Йўллардаги табиий тўсиқлар, масалан, дарёлар ва бошқа йирик сув манбаларидан, йирик тоғ доvonларидан ўтишда савдо карвонлари ва йўловчилар карвон йўлининг хусусиятларини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этарди. Даврлар ўтиши билан тўпланиб борган тажрибалар, турли географик худудларга хос хусусиятлар ва уларнинг мавсумий ўзгарувчанлиги бўйича тўпланган амалий билимлар бу соҳадаги муаммоларни ҳал қилишда асосий восита бўлди.

Мисол тариқасида, сувсиз чўл худудларидан ўтиш асосан сув тўлдирилган чарм халталардан етарли даражада олиш орқали ҳал қилинганлиги¹, тоғ йўлларида одатда, фақат ёз мавсумида ўтиш ва отлар ҳамда бошқа улов воситаларини катта довларидан туширишда махсус мосламалар билан таъминлаш йўлга қўйилганини² айтиб ўтиш мумкин.

Карвон йўлларидаги энг жиддий хавф минтақанинг айрим йўналишларда, айниқса, дашт ва чўл худудларидаги йўлларда талончилик ва кароқчилик иллатининг мавжудлигида эди. Бундай йўналишларда савдо карвонлари ва йўловчиларни, айрим ҳолларда ҳатто, элчилик миссиялари аъзоларининг хавфсизлигини таъминлаш давлат аҳамиятга эга жиддий муаммо ҳисобланарди. Минтақада марказлашган давлатлар ташкил топиб, марказий ҳокимиятнинг мавқеи кучайган даврларда бу соҳада маълум ютуқлар қўлга киритилган. Лекин, марказий ҳокимият заифлашган, ички низолар кучайган даврларда айрим йўналишлар, айниқса, дашт-чўл худудлари орқали ўтувчи йўллар савдо карвонлари учун жиддий тўсиқ ҳисобланарди. Турли кўчманчи чорвадор қабилалар тасарруфиди, назорати остида бўлган бу худудлардан савдо карвонлари ўтиши уруғ бошлиқлари ва савдо-сотиқдан манфаатдор бўлган маҳаллий ижтимоий қатламлар учун зарур бўлган албатта. Баъзи тадқиқотчилар, кўчманчи чорвадорларга хос бағрикенглик, меҳмондўстликни, чорвадорларнинг ҳар бир ўтовида йўловчилар озиқ-овқат ва зарурат бўлганда от ёки бошқа улов воситалари билан ҳам таъминланганлигини қайд этишади³. Савдо йўллари фаолиятидан манфаатдорлик бу худудлардаги йўлларда

¹ Марказий Осиёнинг чўл худудларида қудуқлар етарли эмаслиги ва кўп қудуқларнинг суви шўрлиги йўловчиларни чарм мешларда сув олиб йўлга чиқишга мажбур қиларди. Бундай сув идишлари мустаҳкамлиги, сувни совуқ сақлаши ҳамда сопол сув идишларига қараганда улов воситаларида олиб юриш қийинчилик туғдирмаслиги боис, йўловчилар ва савдо карвонлари томонидан кенг фойдаланилган. XIX аср охириги ўн йилликларига мансуб манбаларда улар турли катталиқда бўлиб, йириклари 20 литрга-ча сув сиғимига эга бўлгани ҳамда минтақамизнинг дашт ва чўллар чегарасидаги барча шаҳарларда, йирик аҳоли масканларида сотилиши ҳақида маълумот берилади. Бу ҳақда қаранг: Г и н т е л л о . Сведенія по интендантской части, собранныя въ Бухарскомъ ханстве капитаномъ Гинтелло въ мае и июне 1885 г. // Сборникъ географическихъ, топографическихъ и статистическихъ матеріалов по Азій. СПб., 1886. Вып. XXI. С. 9.

² Айрим манбаларга кўра, йирик тоғ довларидан тушишда отларнинг кўкрақларига махсус тахталар боғлаб қўйилган. Пастки қисми ерга тегиб турган бу тахталар отларни йиқилишдан сақлаб турган. Бу ҳақда қаранг: Ш и л т ь б е р г е р И. Путешествія Иоганна Шильтбергера по Европе, Азии и Африке (с 1394 по 1427 г.) / Перевел с немецкого и снабдил примечаниями Брун Ф. Ташкент: Шарк, 1997. С. 37.

³ К а л ы б е к о в а А. Теоретические и прикладные основы народной педагогики казахов. Алматы: БАУР, 2005. С. 39.

хавфсизликни таъминлаш кафолати сифатида кўзга ташланади. Лекин барча даврларда ҳам юқоридагидек меҳмондўстлик ва бағрикенглик бўлмаганлигини, бепоён даштлар орқали ўтувчи карвон йўлларида табиий тўсиқлар билан бирга айнан хавфсизликни таъминлаш масаласи кўп ҳолларда жиддий муаммо бўлгани маълум.

Савдо йўлларида хавфсизликни таъминлаш ва тегишли хизматларни йўлга қўйишда, юқорида айтганимиздек, минтақада турли тарихий даврларда ташкил топган қудратли ва кучли марказий ҳокимиятга эга давлатлар катта ўрин тутган. Ички ва ташқи иқтисодий-маданий алоқаларни ривожлантиришдан бевосита манфаатдор бўлган бундай давлатларда карвон йўлларида хавфсизликни таъминлаш, йўловчиларга тегишли хизматларни кўрсатиш ишига сиёсий масала сифатида қаралар эди. Хусусан, Буюк ипак йўлининг илк йўналишлари шаклланиши ва фаолиятида, Хитойнинг ички ҳудудларини Марказий Осиё орқали Парфия ва Рим империяси билан боғловчи транзит алоқа-савдо йўллари фаолиятида Даван давлати, Қанғ давлати ва Кушонлар салтанати каби давлатларнинг тарих сахнасига чиқиши катта ўрин тутган бўлса, Турк хоқонлиги, Амир Темур давлати каби улкан салтанатлар даврида бутун Марказий Осиё ва унга қўшни ҳудудларда хавфсизликни таъминлаш юксак даражада ташкил этилди. Минтақамиздаги бу давлатлар ташқи савдодан катта фойда олганликлари боис, карвон йўллари хавфсизлигини таъминлаш кафолати бўлиб майдонга чиқдилар. Карвон йўллари бўйида божхоналар, йўлбўйи иншоотлари барпо этилди, савдо карвонларининг зарурий эҳтиёжларини (озик-овқат ва сувга, улов воситалари учун ем-хашакка ва бошқаларга бўлган талаблар) таъминлашга хизмат қилувчи тегишли инфратузилмалар ташкил этилди. Буларнинг барчаси ички ва ташқи иқтисодий-маданий алоқалар йўлларда хавфсизликни таъминлаш масаласи билан узвий боғлиқликда ривожланиб боришига имкон берди.

Қадимги давр ва ўрта асрларда савдо алоқаларидан бож йиғими тарзида ҳамда савдо алоқаларида бевосита иштирок этиш орқали катта фойда олган маҳаллий ҳукмдорлар ҳам карвон йўлларининг хавфсизлигини таъминлашга эътибор беришган. Айниқса, бепоён ва кимсасиз чўллар, даштлар орқали ўтувчи савдо йўлларида хавфсизлигини таъминлаш катта эътибор талаб этарди. Агар катта савдо карвонларини одатда, қуролланган махсус қўриқчи гуруҳлар маълум масофаларда кузатиб боришган бўлса, кичик карвонлар кўп ҳолларда ўз хавфсизлигини ўзлари таъминлашга мажбур эдилар⁴.

⁴ М у к м и н о в а Р. Г. Социальная дифференциация населения городов Узбекистана в XV – XVI вв. Ташкент: Фан, 1985. С. 26.

Карвон йўлларида элчилар ва элчилик миссиялари аъзолари, турли тонфадаги амалдорлар, давлат хизматчилари, чопарлар, махсус ёрликка эга бўлган савдогарларнинг хавфсизлигини таъминлашга ва уларга бошқа тегишли хизматлар кўрсатишга катта эътибор қаратиларди. Бу тизим минтақамизда қадимдан бўлганлигини Марказий Осиёда катта таъсирга эга бўлган Хунн элчилари Усунлар юртидан (Еттисувдан) Ань-сигача (Эронгача) бўлган ҳар бир ўлкада йўлбошловчи билан таъминланиб, озиқ-овқат ва улов воситаларига бўлган талаби тўлик қондирилиши, машхур Хитой сайёҳи, элчи Чжан Цяннинг Даван давлатидан Катта Юежлар юртига ўтишида йўлбошчилар билан таъминланиб, хавфсизлиги таъминлангани ҳақида хитой манбаларидаги маълумотлар мисолида ҳам кўрамиз⁵.

Манбаларда карвонлар хавфсизлигини таъминлашга масъул бўлган кўрикчи сарбозлар гуруҳлари ҳақида маълумотлар кўплаб учрайди. Хусусан, Ибн Ҳовқал Дизак (Жиззах – Ў. М.) шаҳрида работлар кўплаб барпо этилгани, самарқандликлар бу ерда кўрикчи сарбозлар гуруҳини сақлаши ҳақида маълумот беради⁶. Шу ўринда Жиззах-Тошкент йўли сўнгги ўрта асрларда ҳам хавфсизлик нуқтаи назаридан алоҳида эътибор талаб этгани, Абдуллахон II (1558-1598 йй.) даврида бу ердаги чўлда барпо этилган работларда карвон йўлини кўриклаш вазифаси юклатилган сарбозлар гуруҳи жойлаштирилгани ҳам эътиборни тортади⁷.

Сиёсий беқарорлик, ўзаро низолар ва марказий ҳукуматнинг заифлашиши карвон йўлларида хавф-хатарнинг ошишига олиб келувчи сабаблардан эди. Масалан, темурийлар даврида Хитойга жўнатилган айрим элчилик миссиялари Шарқий Туркистондаги беқарор сиёсий вазият сабабли маълум қийинчиликларга дуч келгани⁸, XVI асрнинг 50-йиллар ўрталарида Ҳиндистондан Ўрта Осиё орқали Эронга ўтган турк адмиралли Сейди Али Раис асаридаги маълумотлар⁹, 1858 йилда Москва князи Иван Грознийнинг элчиси сифатида Ўрта Осиёга келган инглиз сайёҳи Антони Женкинсон Хоразмнинг пойтахти Урганч (кўҳна Урганч – Ў. М.)

⁵ Б и ч у р и н Н. Я. (Иакниф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В трех частях. Ч. II. Алматы: ТОО «Жалын Баспасы», 1998. С. 165.

⁶ Б е т г е р Е. К. Извлечения из книги «Пути и страны» Абу-л-Касыма ибн Хаукаля // Труды САГУ. Ташкент, 1957. Вып. IV. С. 22-23.

⁷ Х о р о ш х и н С. П. Сборник статей, касающихся до Туркестанского края. СПб., 1876. С. 34.

⁸ Б ў р и е в О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё. Тошкент: Фан, 1997. 132-133-бетлар.

⁹ С е й д и А л и Р а и с . Миръотул ма'олик (Мамлакатлар кўзгуси) // С. Азимжоннова таржимаси. Тошкент, 1963. 94-116-бетлар.

дан Бухорога қараб йўлга чиққанда Хоразм хонининг қўриқчилар ажрагганлиги ва элчининг хавфсизлиги таъминланиши ҳақидаги хатига қарамасдан уларнинг қарвонига қароқчилар ҳужум қилганлиги¹⁰ ва бошқа мисолларни манбаларда кўплаб учратамиз.

Сўнгги ўрта асрларда қозоқ даштлари ҳам хавфсизлик энг кам таъминланган худудлардан бири бўлиб қолади. Ҳатто, XIX аср бошларида Оренбургдан Россияга ҳарбий соқчилар кузатувида йўлга чиққан қарвоннинг ҳам кўчманчи қозоқлар ва хиваликлар томонидан таланганлиги¹¹ бу даврда йўлларда талончилик ниҳоятда жиддий муаммо бўлганидан далолат беради.

Йўлларда хавфсизликни таъминлаш, савдо қарвонларини қароқчилар ҳужумидан сақлашда талончи гуруҳларни зарарсизлантириш бўйича иш олиб бориш давлат аҳамиятига эга муҳим тадбирлардан эди. Амир Темур ўзининг улкан салтанатида савдо-сотик ривожига, қарвон йўлларида хавфсизликни таъминлашга катта эътибор бергани маълум. Низомиддин Шомийнинг ёзишича, Амир Темур ҳукмронлиги даврида нафақат Мовароуннаҳрнинг энг чекка жойларида, балки «Хўтан чегарасидан Деҳли ва Конбайит атрофларигача, Бобул Абвобидан то Миср ва Рум худудигача бўлган ерларда» эркин ва хавфсиз савдо-сотик ишлари олиб бориш учун имконият яратилган эди¹². Бу соҳага бўлган эътиборни улкан салтанатнинг «у четидан бу четигача бирор болакай бошида бир лаган тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб-интизом» ўрнатилганлигида ҳам кўрамыз¹³.

Амир Темур ва темурийлар даври қарвон йўлларида хизмат кўрсатиш тизими ривожига ҳам муҳим ўрин тутади. Савдо марказлари бўлган шаҳарларда барпо этилган ихтисослашган бозорлар, савдо ярмаркалари, қарвон йўллари бўйида савдо-сотик билан боғлиқ иншоотларнинг кўплаб барпо этилиши, кўприклар қурилиши, йўлларнинг таъмирланиши ва бошқа тадбирлар марказий ҳукуматнинг ички ва ташқи иқтисодий-савдо алоқалари аҳамиятини тўғри англаганлигини кўрса-

¹⁰ Мирзасев Р. Путешествие в Бухару Энтони Дженкинсона // Мозийдан садо. Тошкент, 2004. № 4 (24). 2004, 36-41-бетлар.

¹¹ Мухаммаджонов А. Р., Нейматов Т. Н. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар. Тошкент, 1957, 14-17-бетлар.

¹² Низомиддин Шомий. Зафарнома / Форс тилидан ўгирувчи Ю. Ҳакимжонов. Ҳофиз Абрунинг «Зафарнома» га ёзган илова (Зайл) сани ва изоҳларни форс тилидан О. Бўриев таржима қилган. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 56-бет.

¹³ Ўлжаева Ш. Амир Темур ва Буюк ипак йўли // Буюк ипак йўли ва Фарғона водийси. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Тошкент, 2004. 175-176-бетлар.

тади. Амир Темурнинг савдо-сотикни ривожлантириш, карвон йўллари ва хизмат кўрсатиш тизимини яхшилаш бўйича амалий ишлари «Темур тузуклари»да ҳам акс этгани эътиборлидир¹⁴. Бу даврда карвон йўлларида савдогарларнинг хавфсизлигини, мол-мулкларининг бутунлигини сақлаш, тадбиркорлар ва савдо аҳлини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари мустақамланди ва марказий ҳокимият унинг кафолати бўлиб майдонга чиқди¹⁵. Марказий ва маҳаллий ҳукуматнинг савдо карвонларига бўлган муносабатини аниқлаштиришда «Бобурномада» келтирилган воқеа аҳамиятлидир. Унга кўра, Қашқардан келаётган савдо карвонни Андижоннинг шаркидаги тоғда қор кўчкиси тагида ҳалок бўлгани ҳақидаги хабар олингач, уларнинг мол-мулкни асраш ва меросхўрларига етказиш бўйича тадбирлар олиб борилган¹⁶. Бу ҳам темурийлар даврида савдо карвонлари фаолияти давлат назорати ва ҳимоясида бўлганини тасдиқлайди.

Мухим йўлбўйи иншооти бўлган работлар қадим даврлардаёқ карвон йўллари хавфсизлигини таъминлаш вазифасини бажарувчи кўриқчи гуруҳлар учун мўлжаллаб барпо этилганлигини қайд этиб ўтиш керак. Ҳатто, XIX асрда ҳам Бухоро сарбозлари Қоровулбозорда, Хўжа Мубо-ракда ва Бухоро-Қарши-Керки йўлидаги бошқа работларда жойлаштирилиб, уларга карвонлар хавфсизлигини таъминлаш, савдогарларни кўчманчи туркманлар ҳужумидан сақлаш вазифалари юклатилганлиги маълум¹⁷. Рус ҳарбий манбалари маълумотига кўра, Бухоро сарбозлари Карманадан 2 тош узокликдаги Работи Малиқда ҳам жойлаштирилган бўлиб, уларга Бухоро-Кармана-Самарканд йўлини кўриқлаш вазифаси юклатилганди¹⁸. Лекин, ёзма манбаларга асослансак, Бухоро ҳукумати бу даврда хонликнинг дашт-чўл худудлари орқали ўтувчи карвонлар хавфсизлигини таъминлашга тўлиқ эриша олмаганлигини кўрамиз. Шу билан бирга айрим йўлбўйи иншоотларидан қароқчилар таянч манзили сифатида ҳам фойдаланган. Рус ҳарбий манбаларида Бухоро-Қарши оралиғида жойлашган Бўзачи работи бўза ичиб, йўловчиларни талай-

¹⁴ Темур тузуклари // Форсчадан Алихон Соғуний ва Ҳабибулло Кароматов таржима-си. Тошкент: Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1996, 73-бет.

¹⁵ Ў л ж а е в а Ш. М. Амир Темур ва Буюк ипак йўли... 174-176-бетлар.

¹⁶ Захириддин Мухаммад Б о б у р . Бобурнома. Тошкент, 1989, 10-бет.

¹⁷ ЎзР МДА. 1-фонд, 34-рўйхат, 172-иш, 38-варақ; К р е с т о в с к и й В. В. В г о с т я х у эмира Бухарского (Путевой вестник) // Русский вестник. 1884. № 6. С. 654.

¹⁸ А р х и п о в . Военная рекогносцировка равнинной части Бухарского ханства, произведенная в 1883 г., Генерального Штаба Капитаномъ Архиповым // Сборникъ географическихъ, топографическихъ и статистическихъ матеріалов по Азіи. СПб., 1884. Вып. X. С. 229.

диган қароқчилар макони сифатида таърифлангани¹⁹, Чоржуй-Марв йўлидаги ягона чучук сув бўлган Рапатак манзили қароқчи туркманлар назорати остида бўлиб, қарвонлар бу манзилни четлаб ўтишга мажбур бўлиши ҳақидаги маълумотлар²⁰ бунини яққол кўрсатиб турибди.

Марказий Осиёда қадим даврлардан бошлаб қарвон йўллари бўйлаб почта хизмати ҳам йўлга қўйилган бўлиб, йўллардаги махсус бекатларда хабарчилар, подшо чопарлари озик-овқат ва чопқир отлар билан таъминланган²¹. Ўрта асрларда Марказий Осиёнинг савдо йўлларида савдо қарвонларига, сайёҳларга, ҳарбий кўшинларга ва умуман, йўловчиларга почта хизмати кўрсатиш янада такомиллашди. Бу хизмат ҳукмдорларга ва хусусий шахсларга тегишли хат-хабарларни манзилга етказиш вазифасини бажариб, бу кўпинча савдо қарвонлари таркибидаги махсус кишилар орқали амалга оширилган. Хусусий шахсларга тегишли хатлар айрим ҳолларда манзилга етиб келмагани унинг фаолиятидаги камчиликлардан ҳам далолат беради. Бу жиҳатдан илк ўрта асрларда Хитойдан Суғдиёнага юборилган ва эгасига етиб келмаган машҳур иккита хат²² мисолида яққол тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Ҳукмдор табақаларга тегишли хат-хабарлар давлат хизматидаги алоқачилар орқали амалга оширилган. Мусулмон манбаларидаги кўплаб маълумотлар ривожланган ўрта асрларда бундай алоқа хизмати фаолияти изчил йўлга қўйилганлигидан далолат беради. Шу ўринда, ат-Табарийнинг почта отлари тўғрисидаги маълумоти²³, Абулфазл Байхоқийнинг Ғазнавий ҳукмдор Масъуднинг Балхдан Термиз орқали

¹⁹ Стрёмуховъ Н. Поездка в Бухару (Извлечение из дневника) // Туркестанский сборник. Т. 78. СПб., 1873. С. 113.

²⁰ Петров. Путевые заметки классного топографа тит. сов. Петрова 1884 г. // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. Вып. XXI. СПб., 1886. С. 60-61.

²¹ Геродот. История. В девяти книгах / Пер. с греческого и коммент. Стратановского Г. А. М.: ОЛМА-ПРЕСС Инвест, 2004. С. 286.

²² Бу хатлар 1907 йилда Дуньхуандан ғарбда, Буюк Хитой девори минораларидан бирида олиб борилган археологик қазилмалар пайтида топилган. Улар ичида Хитойдаги Суғд савдо факториясида яшовчи суғд қизининг Суғдиёнадаги онасига ёзган иккита хати ҳам бор. Турли йилларда ёзилган бу хатлар номаълум сабабларга кўра, манзилга етиб келмаган. Бу ҳақда қаранг: Хаббуллаев Н. Н. Среднеазиатская бумага в период феодализма // На Среднеазиатских трассах Великого шелкового пути. Очерки истории и культуры. Ташкент: Фан, 1990. С. 62-63.

²³ Абу Джа'фар Муҳаммад бин Джарир бин Йазид бин Касир бин Галиб ат-Табари. Тарихи Табари («История» ат-Табари). Избранные отрывки / Перевод с арабского Беляева В. И. Дополнения к переводу Большакова О. Г. и Халидова А. Б. Ташкент: Фан, 1987. С. 232.

Чаганиёнга ҳарбий юриши даврида (1038-1039 йил қиш фаслида) унга Ғазнадан вазир юборган шошилинич хабар (махфий хат) йўлга кетма-кет қўйилган суворийлар орқали бетўхтов етказилганлиги ҳақидаги хабарини²⁴ ва бошқаларни эсга олиш мумкин.

Ўрта асрларда карвон йўлларида почта хизмати кўрсатиш тизими янада такомиллашади. XIII асрда Марказий Осиёда бўлган машҳур сайёҳ Марко Поло Буюк Хон буйруғи билан карвон йўлларида хон чопарларига хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилганлигини, хусусан, ҳар 22-25 мил масофада почта бекатлари – «яноб» (ём – Ў. М.) барпо этилгани, уларда чопарлар дам олиши учун барча шароит мавжудлиги, ҳар бир бекатда 300 тадан 400 тагача чопқир отлар чопарлар хизматида эканлиги, асосий йўлларнинг икки тарафига дарахтлар ўтказилгани, бунга имкони йўқ жойларда эса карвонлар ва йўловчилар адашмаслиги учун тегишли жойларда тош ва устунлар шаклида махсус йўлкўрсаткичлар ўрнатилганини қайд этади²⁵. Европалик айрим тадқиқотчилар Чингизхон салтанатида ўрнатилган ўта қаттиқ тартиб-интизом ва давлат аҳамиятига эга хабарлар улкан салтанатнинг марказига, яъни Чингизхон қароргоҳига йўллардаги почта бекатлари орқали суткасига 600 км тезликда етказиб берилганини қайд этадилар²⁶.

Амир Темур салтанатида ҳам почта хизмати мукаммал йўлга қўйилган эди. Бу Европа тилларида ёзилган манбалардаги маълумотлар билан ҳам тасдиқлангани муҳимдир. Маълумки, Амир Темурнинг Анқара ёнидаги ғалабасидан (1402 йил) кейин Йилдирим Боязид қўшинида бўлган ва асирга тушганларнинг кўпчилиги Амир Темурнинг шафқати билан омон қолдирилган эди. Улар сафида бўлган немис рицари Иоганн Шильтбергер²⁷ хотираларида йирик карвон йўллари бўйида махсус бекатлар мавжудлиги, уларда давлат хизматчилари, чопарлар учун чопқир отлар

²⁴ Абулфазл Б а й х о к и й . Таърихи Масъудий // Мозийдан садо. Тошкент, 2002. № 2 (14). 24-25-бетлар.

²⁵ Марко Поло . Книга о разнообразии мира / Перевод Минаева И. М.: Эксмо, 2005. С. 170-174.

²⁶ Бундай тезликда хат-хабарларни етказиш то темир йўллар орқали хатлар ташиш йўлга қўйилган XIX асргача ҳеч жойда бўлмагани, отлар билан хат-хабарларни тезкор етказиш, вазиятга қараб йўналишни ўзгартира олиш имконияти борлиги сабабли ҳам айрим ҳолларда темир йўлдагига қараганда ишончлироқ бўлгани эътиборни тортади. Бу ҳақда қаранг: Мэн Дж. Чингисхан / Перевод с английского Артемова В. М.: Эксмо, 2006. С. 214-215.

²⁷ 1394 йилдан Турк Султони қўлида хизмат қилган Иоганн Шильтбергер 1402 йилда Анқара жангида асирга тушгандан кейин Амир Темур хизматидаги киради. Соҳибкироннинг вафотидан кейин Шоҳруҳ Мирзо кейин Мироншоҳ Мирзо қўлида хизмат қилади. Хуросон, Мовароуннаҳр ва Олтин Ўрда давлатларида бўлади. 1421 йилда Кичик Осиё орқали Польшага ва Пруссияга қочишга муваффақ бўлади. Юртига қайтгач, ўз кўрган-кечирганларини немис тилида хотира сифатида ёзиб қолдиради.

доимо тайёр туриши, улкан салтанатнинг барча йўлларида бундай тизим йўлга қўйилгани қайд этилади. Унга кўра, шошилинич хабар олиб кетаётган чопарлар бекатларга яқинлашганда рўмолчага ўралган кўнғирогини олиб чалганлар. Кўнғироқ овозини эшитган бекат назоратчилари чопарга тезда чопқир отларни тайёрлаб тақдим этиши шарт бўлган. Карвон йўлларида бундай тезкор хизмат ҳукмдорнинг махсус ёрлиғига эга чет эллик савдогарларга ва элчиларга ҳам кўрсатилган²⁸.

Савдо йўлларида хизмат кўрсатиш тизимининг ривожини ўз улов воситалари билан савдо карвонларига хизмат кўрсатувчи кишилар гуруҳи – киракашлар тоифасининг шаклланишига ҳам олиб келди. Бу жараён айниқса, ўрта асрларда кенг ривожланганлиги кўплаб ёзма манбалар маълумотлари орқали ҳам маълум. Хусусан, Бухоро шаҳрида ва амирликнинг барча йирик савдо шаҳарларида арава ва туяларни ижарага олиш мумкинлигини рус манбалари алоҳида қайд этади²⁹. Туялар билан юк ташишда ижара ҳақи 8 версть, яъни 1 тош учун ўртача 25-29.5 рус рубли бўлган. Қарши шаҳри ҳам савдо карвонлари учун туялар кира қилинадиган марказлардан бири бўлиб, 1 тош масофага 1 кумуш танга ҳақ олиб карвонларга хизмат қиладиган қаршилиқ киракашларни хонликнинг барча ерларида кўриш мумкинлигига рус манбалари алоҳида эътибор қаратади³⁰. Қаршида шунингдек, Бухоро ва Самарқандга юк олиб бориш учун туялар ва араваларни ҳам ёллаш мумкин бўлган³¹. Умуман олганда, арава ва туяларни юк ташиш учун ижарага олиш минтақадаги барча йирик шаҳарларда бўлгани кўплаб манбаларда ўз аксини топган. Манбаларга кўра, Бухоро амирлигида XIX асрнинг иккинчи ярмида ўртача 1000 га яқин арава, 5000 га яқин туя юк ташиш учун йўловчилар ва савдогарлар хизматида бўлган. Арава 25 пудгача, туя 16 пуд, от 6 пуд ва эшак 4 пуд юк кўтара олган³². Араваларда савдо карвонларига хизмат қилиш минтақанинг текисликларида кенг йўлга қўйилган бўлса, тоғли ҳудудларда асосан от ва эшакларда юк ташилган³³.

Катта карвонларда туялар 20 тадан 60 тагача бўлиниб, бир тўп – қўшни ташкил қилган. Савдо карвонларига одатда, карвонбоши етакчилик қилиб, карвон таркибини аниқлаш, йўналишни белгилаш, йўлда ҳаракатла-

²⁸ Ш и л ь т б е р г е р И. Ўша асар. ... 64-65-бетлар.

²⁹ Гинтелло. Ўша асар. ... 9-бет.

³⁰ М а с в Н. Очерки горных бекств // Материалы для статистики Туркестанского края. СПб., 1879. Вып. V. С. 328.

³¹ Архипов. Ўша асар. ... 204-бет.

³² Гинтелло. Ўша асар. ... 9-10-бет.

³³ М а т в е е в . Краткий очерк Бухары. 1887 г. Генерального Штаба Полковника Матвеева // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. СПб., 1888. Вып. XXXLI. С. 3.

ниш тартибини ва вазифаларни аниқлаштириш, хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш унинг зиммасида бўлган. Ўрта асрларда халқаро савдода иштирок этган савдогарлар ва савдо карвонлари туркий халқларда Арқиш деб юритилган³⁴. Арқиш (Arqis) атамаси хабар ёки хабарчи, элчи маъноларини ҳам бериб³⁵, қадимги туркларнинг минтақанинг ички ва ташқи савдо алоқаларидаги иштирокидан далолат беради.

Савдо алоқаларининг самарадорлигига карвон йўлларида хавфсизликни таъминлаш ва бошқа хизматлар кўрсатишдан ташқари, йўлларнинг сифати ҳам катта таъсир кўрсатар эди. Марказий ва маҳаллий ҳукумат йўллар ва йўлбўйи иншоотларининг узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлашга масъул ҳисобланса-да³⁶, бу вазифаларни бажаришга давлат хазинасидан ташқари хусусий шахслар – йирик савдогарлар, судхўрлар, турли амалдорлар маблағлари ҳам сарфланиши одатий ҳол эди. Ёзма манбалардан йўлбўйи иншоотлари барпо этишга давлат хазинасидан³⁷ ҳамда хусусий шахслар маблағлари сарфланганлиги ҳақида ҳам кўплаб маълумотлар топишимиз мумкин. Шунга қарамадан, XIX – XX аср бошларига тегишли рус манбаларида ҳам минтақадаги йўлларнинг ҳолати анча ёмон эканлиги қайд этилган. Буни Бухор амирлиги худудида ҳам³⁸, Қўқон хонлигида ҳам кўрамиз³⁹.

³⁴ Арқиш // ЎзМЭ. Тошкент, 2000. 1-жилд. 440-441-бетлар.

³⁵ Дренетюркский словарь. Л., 1969. С. 54.

³⁶ Одатда, йўллар таъминоти учун давлат хазинасидан маблағ кам ажратилган ёки бу маблағлар маҳаллий ҳокимият томонидан бошқа мақсадларга ишлатиб юборилган. Йўлларни таъмирлаш бутун бир қишлоқ аҳолисига юклатилган ҳолатлар ҳам учрайди. Мисол тарзида Қўқон хони томонидан Қўқондан Тўйтепа орқали Тошкентга келувчи йўлнинг баъзи жойларини таъмирлаб туриш маҳаллий аҳоли зиммасига юклатилганлиги (бунинг учун Тўйтепа кўргони яқинида махсус қишлоқ барпо этилиб, аҳолисига йўлни барча фаслларда аравалар юриши учун мослаб туриш мажбурияти юкланган) ҳақидаги маълумотни келтириш мумкин. Бу ҳақда қаранг: М а с с о н М. Е. Ахангеран. Археолого-топографический очерк. Ташкент, 1953. С. 44.

³⁷ Масалан, Қушбеги архиви ҳужжатлари ичида Бухоро амири Абдуллахонга Қарши-Шахрисабз йўлида Қуниш (бекат) барпо этишга рухсат сўраб ёзилган ариза сақланиб қолган. Бу ҳақда қаранг: ЎзР МДА. 126-фонд, 1-рўйхат, 823-иш.

³⁸ Минтақанинг савдо-сотик анча ривожланган давлати бўлган Бухоро амирлигида XIX асрнинг 40-йиллари бошида бўлган рус элчилик миссияси аъзоси Н. Хаников ҳам амирликдаги йўлларнинг ҳолати ёмонлигини, бу маҳсулотларни ўз вақтида бозорларга етказишга тўсқинлик қилиши ҳақида маълумот беради. Бу ҳақда қаранг: Х а н и к о в Н. Описание Бухарского ханства. СПб., 1843. С. 162.

³⁹ 1867 йилда Қўқонга жўнатилган рус миссиясига тегишли юкларни кузатиб борганлар таркибида бўлган А. П. Хорошхин Чирчикдан Тўйтепагача бўлган йўлни Туркистон ўлкасидаги энг ёмон йўл сифатида таърифлайди. Бу ҳақда қаранг: Х о р о ш х и н А. П. Кўрсатилган асар ... 26-27-бетлар.

Халқаро транзит йўллари иқтисодий-маданий алоқаларда, цивилизациялараро мулоқотда тутган ўрнини таъкидлаш билан бирга баъзи ҳолларда хавфли юқумли касалликларнинг савдо йўллари бўйлаб катта ҳудудларга тарқалганлигини ҳам қайд этиб ўтиш керак. Мисол тариқасида, XIII аср ўрталарида Хитойда бошланган қора ўлат касаллиги 1330-1340 йилларда Буюк ипак йўли йўналишлари бўйлаб Болқон ва Шарқий Европа мамлакатларигача етиб борганлигини айтиб ўтиш мумкин⁴⁰. Бундай ҳолатлар қадимда ва ўрта асрларда тез-тез такрорланиб турганлиги боис, карвон йўлларида тиббий хизмат кўрсатишни ташкил қилиниши ҳаётий зарурат эди. Тадқиқотларнинг далолат беришича, Марказий Осиёдаги йирик шаҳарларда қадимги даврлардан бошлаб, аҳолига ҳамда йўлда бетоб бўлиб қолган йўловчиларга, савдогарларга тиббий ёрдам кўрсатиладиган махсус шифохоналар бўлган. Бундай масканлар одатда, ибодатхоналар қошида бўлиб, даволаш билан ҳам кўпинча руҳонийлар шуғулланганлар. Балхда ва Эроннинг баъзи шаҳарларида, Бухорода (мил. авв. I асрда) шифохоналар бўлганлиги, Марв, Урганч, Бухоро каби йирик шаҳарлардаги ўрта асрлардаги шифохоналар ҳақидаги маълумотлар⁴¹, Сосоний ҳукмдори Хусрав Ануширвон томонидан Хузистондаги Жундишапурда ташкил этилган табобат академияси⁴², Буюк ипак йўлида жойлашган қадимги Пойкандда дорихона мавжуд бўлганлигидан далолат берувчи топилмалар⁴³ шаҳарлар асосий тиббий марказлар бўлганлигидан далолат беради.

Тиббиёт айниқса, ривожланган ўрта асрларда юксак чўққига кўтарилди. Ибн Синонинг «Тиб конунлари» асарида келтирилган маълумотлар бу соҳада қўлга киритилган ютуқларнинг ёрқин далилидир. Амир Темур ва темурийлар даврида тиббий билимлар ва тиббий хизмат кўрсатиш янада ривожланганини Соҳибқироннинг Кобул яқинида

⁴⁰ Касаллик тарқалишига озиқ-овқат ортилган араваларга жойлашиб олган каламушлар сабаб бўлган, деган фикр ҳам бор. Бу касаллик сабабли маълум вақт Буюк ипак йўли бўйлаб иқтисодий-савдо алоқалари тўхтаб қолади. Бу ҳақда қаранг. У э з е р ф о р д Д. Чингизхан и рождение современного мира. М.: АСТ, 2006. С. 430-440, 446.

⁴¹ Ў р о л о в А. «Авесто» даври маънавият марказлари ва шифохоналар // Мозийдан садо. Тошкент, 2004. № 3 (23). 32-33-бетлар; Ўша муаллиф. Самарқанд шаҳрининг ўрта асрлардаги даволаш ва шифобахш муассасалари // Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий симпозиум материаллари. Тошкент-Самарқанд, 2007, 233-235-бетлар.

⁴² Су л а й м о н о в а Ф. Шарқ ва Ғарб (Қадимги давр ва ўрта асрлар маданий алоқалари). Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 194-бет.

⁴³ Городище Пайканд. К проблеме изучения средневекового города Средней Азии. Ташкент: Фан, 1988. С. 63-64, 177-178.

ғиштдан шифохона барпо эттиргани⁴⁴, Ҳазрат Алишер Навоий томонидан Ҳиротда барпо этилган шифохоналар⁴⁵ орқали ҳам кўрамиз. Бухоро хони Субхонкулихоннинг (1681-1701 йй.) Бухорода махсус шифохона барпо эттиргани ва мадрасада тиббиётдан маърузалар ўқиганлиги⁴⁶ ва бошқа тегишли маълумотлар ҳам минтақамизда тиббиёт соҳасидаги билимлар ўрта асрлар давомида жамият талаблари даражасида ривожланиб келганлигидан далолат беради.

Тиббиёт соҳасида қўлга киритилган ютуқлар карвон йўлларида тиббий хизмат кўрсатиш ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Ўрта асрлар даврига келиб бу соҳада маълум ютуқлар қўлга киритилди. Йирик шаҳарлардан ташқари муҳим бекатларда ҳам савдо карвонларига, йўловчиларга тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилиб, бу билан шуғулланадиган махсус табиблар гуруҳлари шаклланди⁴⁷. Тиббий билимлар ва тиббий хизмат кўрсатиш сирлари одатда, авлоддан-авлодга мерос сифатида ўтиб, бу соҳада ном қозонган кўплаб табиблар сулоалари пайдо бўлишига олиб келарди. Бундай табиблар минтақамизнинг деярли барча йирик шаҳарлари ва вилоятларида азалдан мавжуд бўлиб келганлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Хусусан, минтақанинг чекка ҳудудларида, асосий карвон йўлларида четда бўлган жойларда ҳам йўловчиларга ва улов воситаларига малакали тиббий хизмат кўрсата оладиган маҳаллий табиблар бўлганлиги сўнгги даврларда, рус саёҳатчилари ва ҳарбийлари асарларида ҳам қайд этилади⁴⁸.

Элчилик миссиялари ва йирик савдо карвонлари таркибида махсус табиблар ҳам бўлган. Бу бир томондан турли ҳудудлар ўртаси-

⁴⁴ Ў р о л о в А. Самарқанд шаҳрининг ўрта асрлардаги даволаш ва шифобахш муассасалари. ... 233-235-бетлар.

⁴⁵ Б а р т о л ь д В. В. История культурной жизни Туркестана. Соч. В 9 т. М.: ИВЛ, 1963. Т. II. С. 275; Алишер Навоий // ЎЗМЭ. Тошкент, 2000. 1-жилд. 218-бет.

⁴⁶ Муҳаммад Юсуф Мунши. Тарих-и Муқим-хони (Муқимханская история) / Перевод с таджикского, предисловие, примечание и указатели проф. Семенова А. А. Ташкент, 1956. С. 304.

⁴⁷ Ў р о л о в А. Самарқанд шаҳрининг ўрта асрлардаги даволаш ва шифобахш муассасалари. ... 234-253-бетлар.

⁴⁸ Бу ҳақда манбаларда кўплаб маълумотлар сақланиб қолган. Масалан, XX аср бошларида Сурхон воҳасида, Бойсундан Денов беклигига кетаётган рус ҳарбий географларидан иборат гуруҳ аъзоси Д. Н. Логофет сафдошларидан бирининг отини илон чақиб олганда қишлоқдаги маҳаллий мулла (табиб) томонидан Европа тиббий анъаналарига бегона бўлган усулда тезда ва асоратсиз даволаганлигини ҳайрат билан ёзиб қолдирган. Бу ҳақда батафсил қаранг: Л о г о ф е т Д. Н. В горах и на равнинах Бухары. СПб., 1913. С. 247.

даги сиёсий ва иқтисодий алоқалар ривожига хизмат қилган бўлса, иккинчи томондан тиббий билимларнинг савдо йўллари бўйлаб турли минтақаларга тарқалишига хизмат қилган⁴⁹. Махсус чопарлар, айғоқчилар ва давлат хизматидаги бошқа кишилар одатда, энг зарур тиббий дори-дармонлар, турли доривор гиёҳлар билан таъминланиб, улар ўзларига ва шерикларига бирламчи тиббий ёрдам кўрсата олиш малакасига ҳам эга бўлишган.

Карвон йўлларида хизмат кўрсатиш тизими фаолиятида савдо марказларида, айрим йирик карвонсаройларда йўловчилар, элчилик миссияси аъзолари, савдогарлар учун турли маданий тадбирлар ҳам ташкил этилган. Хусусан, мусиқачилар, раққосалар ва шунга ўхшаш маданий тадбирлар фаолияти йўлга қўйилган карвонсаройлар мулк эгалари учун катта иқтисодий даромад манбаи бўлган. Қадимги йўлларда хизмат кўрсатиш тизими фаолиятига тўхталганда нозик бир масалани ҳам эсга олиш керак бўлади. Бу халқаро савдо билан шуғулланувчи ва ўз фаолияти туфайли оиласидан узоқ муддат четда яшашга мажбур бўлган савдогарларнинг никоҳ муносабатларидаги ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ масаладир. Ўрта асрларда халқаро савдода иштирок этувчи мусулмон савдогарларининг турли йирик савдо марказларида оиласи бўлгани кўплаб манбаларда акс этган. Шариат қонунлари мусулмон савдогарларига бундай имконият берарди⁵⁰.

Юқорида келтирилган фикрларга хулоса сифатида шуни қайд қилиш керакки, минтақамиздаги карвон йўлларида хизмат кўрсатиш тизими қадимги давр ва ўрта асрларда ўз даври талабларига мос равишда ривожланиб келган. Бу тизимнинг самарали фаолиятида минтақада сиёсий барқарорликнинг мавжудлиги, марказий ва маҳаллий ҳукуматнинг бу соҳага бўлган эътибори ҳамда бошқа кўплаб объектив ва субъектив ҳолатлар ўзига хос роль ўйнаган. Савдо йўлларида хизмат кўрсатиш тизими фаолияти даражаси жамиятдаги иқтисодий-маданий таракқиёт

⁴⁹ Мисол тариқасида ўртаоғиёлик табибларнинг ва минтақамизда шакланган ва сайқал топган тиббий билимларнинг ўрта асрларда Хитойга тарқалишини, минтақамиз шаҳарларида кашмирлик ва Афғон табиблари фаолияти анча изчил бўлганлиги ҳақидаги маълумотларни эсга олиш мумкин. Бу ҳақда қаранг. Х ў ж а е в А. Туркистон табобатининг Хитойга таъсири // Мозийдан садо. Тошкент, 2006. № 3(315). 46-48-бетлар; М и р И з з а т у л л о . Ма'сири Бухоро (Бухорога саёҳат) // Қўлёзма (форс тилида) (Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази кутубхонаси). 72-варақ.

⁵⁰ М а р к о П о л о . Книга о разнообразии мира / Перевод Минаева И. М.: Эксмо, 2005. С. 91-92, 164, 261-262; Г у м и л е в Л. Этногенез и биосфера земли. М.: Изд. группа «АСТ», 2004. С. 65.

кўрсаткичларига ҳам мос келишини кўрамиз. Бу ҳолат бизга бу соҳа ривожини умуман, цивилизация тараққиёти билан узвий боғлиқлиги ҳақида муҳим хулосага келишимизга имкон беради.

У. Мавлонов

История формирования и развития системы обслуживания на караванных путях Центральной Азии

В статье рассмотрены вопросы, связанные с оказанием различных услуг на караванных дорогах Центральной Азии. Раскрыта роль системы обслуживания в обеспечении безопасности на дорогах, своевременной доставки почтовых сообщений, оказании медицинской помощи, а также различных культурных и бытовых услуг. Показано значение придорожных сооружений в системе коммуникации региона и центральных и местных властей в обеспечении нормального функционирования системы.

U. Mavlonov

Formation, development and peculiarities of service system of Caravan roads

The present article disposes the problems connecting of service systems of Caravan roads in Central Asia. It is stated that this system was performed to provide the secure in the roads to insure modern delivery of cultural and daily service. The importance of road engineering system of regions communication and also the significance of Central and local government in secure of normal works of the given system is shown in the article.

Д. Иноятова

К ИСТОРИИ НЕМЕЦКОЙ ДИАСПОРЫ В ТУРКЕСТАНЕ

Первой группой немцев, селившихся в Туркестане со второй половины XIX в., были многочисленные военные высшего ранга, а также чиновники, занимавшие высокие посты в управлении и гражданских службах. Преимущественно это были выходцы из балтийских (остзейских) провинций – подданные царской России. Первым генерал-губернатором Туркестанского края был генерал-лейтенант К. П. фон Кауфман (1867-1882), положивший начало колонизации края Российской империей. В царской армии и администрации при К. П. фон Кауфмане имелось большое количество лиц немецкой национальности, занимавших ключевые посты в командном составе, администрации управления, торговле, культуре, образовании и медицине. Кроме него, были еще три генерал-губернатора немца – Н. О. Розенбах (1884-1889), Флуг (1913-1914) и Ф. В. Мартсон (1914-1915). Военным губернатором Самаркандской области был генерал-майор Гескет (1905-1906), военным губернатором Ферганской области в 1911-1917 гг. – генерал-майор А. И. Гиппиус. В Туркестане служили также генерал-майор Коль, чиновник для особых поручений при Туркестанском генерал-губернаторстве А. Л. Кун, начальник Статуправления Сырдарьинской области И. Гейер, госсветник А. фон Вайнберг, надворный советник Р. Пфеннинг, коллежский асессор В. Лойтпер, генерал-майор А. И. Мозель¹. Почти тогда же появляются и немцы, подданные германских государств. Так, в 1869 г. в Ташкенте было три прусских подданных и один саксонский², а в 1877 г. – 17 подданных германских государств, 5 прусских, два саксонских и пять австрийских³.

В 1884 г. в Ташкентской лютеранской общине 73 её члена были генералами, штабными офицерами, полковниками и высокопоставленными чиновниками. Место работы и пребывания 44 из них находились в Ташкенте. Следующую группу образовывали 38 чиновников низшего ранга, 12 из них – в Ташкенте. В третью группу входили полноправные граждане – 79, из них 52 жили в Ташкенте. В Ташкенте проживали

¹ Назаров Р. Р., Алиева Р. Р., Юнусова Д. М. К истории формирования немецкой диаспоры в Туркестане // *Ўзбекистонда этнодемографик жараёнлар (халқаро конференция материаллари)*, 1-қисм. Тошкент, 2005. 214-бет.

² ЦГА РУз, ф. И-36, оп. 1, д. 497, л. 8.

³ Там же, д. 1343, л. 26-28.

41 женщина, а в его окрестностях – 33. Из 35 детей 24 проживали в центре Ташкента⁴.

Ехали в Туркестан немцы не только по долгу службы. Многие переселялись сюда добровольно из-за голода, засухи и неурожая в центральных районах России и Поволжья. К примеру, начиная с 1880 г. в Туркестан переселилось несколько десятков семейств немцев меннонитского вероисповедания из Таврической и Самарской губерний. Поводом к их миграции послужило введение в России в 1874 г. всеобщей воинской повинности, которая с 1880-х годов распространялась и на немцев-меннонитов⁵. Последние начали искать новые места для переселений. Тысячи семей переехали в США и Канаду.

⁴ Из истории Евангелическо-Лютеранской церкви в России, на Украине, в Казахстане и Средней Азии. СПб., 1996. С. 17.

⁵ Меннонитство – одно из течений протестантской церкви, отличающееся «миролюбивым и умеренным» характером. Никогда не призывает к насилию и злу. Заставляет задуматься о смысле всей жизни вообще, о самосовершенствовании и развитии своей души. Представляет собой евангелическое вероисповедание. Секта меннонитов возникла в конце первой трети XVI в. в ходе реформации в Нидерландах. Во главе этого движения в анабаптизме стоял бывший священник Менно Симоне (1496-1561).

Меннониты жили в конфессионально-территориальной обособленности от окружающего населения в силу религиозных запретов, не контактировали с ним (исключение – деловые отношения). Они отличались характером расселения, религиозной принадлежностью, образом жизни и особенностями этнического сознания. Подавляющее их большинство занималось земледелием, воспринимаемым как следование библейским предписаниям, религиозную обязанность. Помимо собственной трактовки христианского учения, меннониты придерживались определенных моральных принципов. Они проповедовали строгое отношение к труду, бескорыстное участие в делах общины, поддержку ближнего, обязательную грамотность, отказ от воинской повинности и государственной службы. Усиление репрессий вынудило многих меннонитов эмигрировать из Нидерландов. За 45 лет (1521-1556), прошедших со времени издания первого «плаката» против еретиков, в Нидерландах были казнены и изгнаны из страны свыше 50 тыс. человек. Большинство изгнанников в XVI в. оседали в Северной Германии и Восточной Фрисландии. В конце XVIII в. из-за ухудшения положения в Пруссии меннониты вновь стали искать место для миграции.

Принятый в 1763 г. Екатериной II «колонизационный» манифест, разрешающий иностранцам «въезжать и селиться, где только пожелают на постоянное жительство», а главное, предоставляемые при этом льготы (свобода вероисповедания, выдача земельных наделов, освобождение от воинской повинности, от казенных податей, право самоуправления) устраивали меннонитов. Первая партия меннонитов в составе 228 семейств прибыла в 1789 г. в Россию. Они селились главным образом в Поволжье, а также в Таврической, Екатеринославской и других губерниях Российской империи. К 1873 г. в России насчитывалось 5 меннонитских округов.

У другой части меннонитов в этот период оформилось течение, возглавляемое К. Эппом, М. Кассеном и А. Петерсом, названное «братские меннониты». Они были убеждены в наступлении в скором времени «тысячелетнего царствования божьего» (сторонники такого воззрения стали называться хилистами, от греч. «хилиа» – тысячелетие). Его приверженцы получили «откровение», согласно которому убежищем для «божьего народа» должно было стать царство на Востоке, а Запад ждало наказание, т. е. погибель.

Это учение нашло своих приверженцев в некоторых общинах меннонитов, расположенных на реке Молочной в Таврической губернии и в недавно образованных поселениях Новоузенского уезда Самарской губернии. Они пять раз отправляли делегации к императору в Петербург с просьбой определить им такое место на востоке страны, где им не пришлось бы нести воинскую повинность. Первоначально они стремились на Кавказ. В 1879 г. в Санкт-Петербурге им повстречался Туркестанский генерал-губернатор фон Кауфман, который переубедил их переселиться в Среднюю Азию, пообещав освободить от воинской повинности и выделить земельные участки близ Ташкента. Добившись разрешения царя, он посоветовал меннонитам быстрее уладить свои дела и переселиться в Туркестанский край. Кауфман, видимо, с одной стороны, хотел помочь своим сородичам, а с другой – намеревался с их помощью улучшить сельскохозяйственную культуру края.

Переселение немцев-меннонитов в Туркестан некоторые зарубежные исследователи называют «Большой трек русских меннонитов в Центральную Азию». Изъявившие желание поселиться в Туркестане разделились на четыре группы. Начало походу было положено 3 июля 1880 г. Первая группа самарских переселенцев в составе 10 семей на 18 телегах-фургонах и около 40 лошадей выступила в путь. Их путь был тяжел и опасен, пролегал по степи и безводной пустыне. Об этом говорит маршрут: Уральск – Оренбург – Ак-Тюбе – Карабутак – Уч-Кудук – Аральское море – пустыня Каракум – Перовск – Туркестан – Чимкент – Капланбек (имение возле Ташкента). Их путь длился 15 недель и закончился 18 октября 1880 г. Затем к ним прибыли остальные самарские единоверцы, а молочанцы были поселены в Ташкенте, что сильно сказалось на их дальнейшей судьбе. Они прожили зиму в Ташкенте и Капланбеке. В это время умер покровитель меннонитов генерал-адъютант фон Кауфман, и их положение стало очень неопределенным, так как он не оставил никаких юридических распоряжений насчет статуса поселенцев⁶.

⁶ Кригер В. Рейн – Волга – Иртыш: из истории немцев Центральной Азии / Отв. ред. Ерофеева И. Алматы: Дайк-Пресс, 2006. С. 10.

С точки зрения ученого исследователя В. Кригера, в этой ситуации показательны позиции представителей двух противоположных воззрений на место и роль немецких крестьян в переселении и освоении генерал-губернаторства. Первая точка зрения представлена здравомыслящими военными, правительственными и хозяйственными кругами, примыкавшей к ним демократически настроенной интеллигенцией, которые видели смысл и полезность в переселении бывших колонистов в Туркестан, их значимую роль в хозяйственном освоении территории, введении улучшенных методов в земледелии и скотоводстве и т. д. Представители второй, откровенно шовинистической, точки зрения были категорически против поселения в Туркестанском крае не только немецких, но и крестьян любой другой национальности, кроме лиц «коренного русского происхождения православного вероисповедания», считая, что представители национальных меньшинств ненадежны в военном отношении, не хотят сливаться с русской народностью, эксплуатируют русских крестьян, наживаются на них. Начальник Ташкентского уезда, представляя запретительную линию, направлял колонистам повестки, по которым их сыновья должны были идти в армию, и требовал освободить помещения в Капланбеке. Эта часть меннонитов под руководством К. Эппа, 24 наиболее обеспеченных семьи на 48 фургонах, не желая оставаться в Туркестане, в поисках подходящего места направилась поначалу в Самарканд. Далее они планировали просить убежища в Бухарском эмирате. В течение девяти месяцев в 1881-1882 гг. меннониты «Большого Похода» потратили время в местечке Зерабулак на границе Российской империи, ожидая разрешения бухарского эмира о поселении их в его владениях. Здесь им оказывали поддержку мусульманские сановники мечети «Кук-Ота» (в переводе «синий дедушка»), которые использовали мечеть по пятницам и субботам и предоставляли ее меннонитам по воскресеньям. Здесь меннониты не только молились, но и совершали обряды бракосочетания и крещения⁷.

Так как Эмир Бухары им отказал в поселении, они двинулись дальше в Хивинские владения, получив разрешение от Хивинского хана Мухаммада Рахимхана II поселиться в местечке Лаузан, что в 160 км от Хивы. На неукрепленное поселение меннонитов постоянно совершали набег туркмены-йомуды, после чего многие меннониты (более 20 семейств), не выдержав трудностей, уехали в Северную Америку, а другие поселились в долине Таласа. Наконец, узнав о лишениях меннонитов,

⁷ By James C. Juhnke. Tour group retraces «Great Trek» of 1880. Published in the online journal / Mennonite Life. 2007. June.

Тошкентдан қайтган В. П. Ногин, 1922 йил 2 январда РСФСР ОХХКи йнгилишида ахборот берди ва пахтага давлат яккаҳокимлигини сақлаб қолиш «ўта муҳим» сиёсий аҳамиятга эга эканлигини қайд этди. Шунингдек, РСФСР ХКСнинг 1920 йил 2 ва 27 ноябрдаги декретларини давом эттиришлиги кўрсатилди²⁶.

Янги иқтисодий сиёсат самара бермаётганлигини айрим марказ раҳбарлари ҳам тушуниб етишди. Шу боис, 1922 йил 23 августдаги Мехнат ва Мудофаа Кенгашининг «Бош пахтачилик кўмитаси аҳволи тўғрисида» деган қарорига мувофиқ, у хўжалик ҳисобига ўтказилди. Аммо, бу қарор ҳам пахтага давлат яккаҳокимлигини тугата олмади ва 1924 йилда чигит экиладиган майдонлар кўпайиб, 315168 десятинага етди. Шу йили пахтанинг миқдори 4250 минг пудни ташкил этди ёки 1921 йилга нисбатан 13,9 баробар кўпайди, ҳосилдорлик эса нисбатан гектаридан 6,9 центнерга ўсди²⁷.

Шундай қилиб, Ислом Каримов таъкидлаганидек: «...бундай ҳол аввало, бутун совет тузумига хос бўлган марказлаштирилган усулда режалаштириш ва тақсимлашдек иллатларнинг таъсири эди. Ўзбекистон иқтисодиёти асосан, хом ашё тайёрлашга йўналтирилди ва пахта яккаҳокимлиги юртимиздаги вазиятни оғир аҳволга олиб келди».²⁸

²⁴ Голованов А. А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917-1937 гг. Ташкент: Фан, 1992. С. 75.

²⁵ ААП РЎз, ф. 60, оп. 1, д. 1667, л. 58.

²⁶ Голованов А. А. Ўша асар, 76-бет.

²⁷ Хлопководство Узбекистана за 50 лет. С. 29.

²⁸ Каримов И. Ўзбекистоннинг 16 йиллик тараққиёт йўли. Халқ сўзи, 2007 йил, 31 август.

А. Абдуллаев

**Осуществление новой экономической политики советской
власти в Узбекистане и хлопководство (1921-1924)**

В статье рассматривается процесс разработки стратегического курса развития хлопковой монокультуры и его последствий в условиях новой экономической политики. На основе новых архивных материалов освещены пагубные последствия этой политики и ее влияние на весь хозяйственный сектор республики.

A. Abdullaev

**Conducting of new economic policy of Soviet power
in Uzbekistan and cotton-growing (1921-1924)**

The processes of cotton course creation and its conclusion in the condition of new economy policy are shown in this article. On the basis of new archive materials are enlightened disastrous consequences of this policy and its influence on the whole economic sector of the republic.

Ш. Ҳайитов

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА ЎЗБЕК
МУҲОЖИРЛИГИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ**

XX асрнинг 20-30-йиллар тарихи совет тарихшунослигида бир ёклама, кўп далиллар атайин четлаб ўтилган ҳолда тадқиқ қилинган. Мустақиллик йилларида совет тарихининг муросасизлик, зўравонлик, таъқиб ва тазйиқлар авж олган ушбу даври қайта ўрганилди ва бу борадаги изланишлар давом этмоқда.

Совет ҳокимияти йилларида Ўрта Осиёда икки марта ер-сув ислоҳоти ўтказилиб, 1921-1922 йилларда Туркистон АССРда, 1925-1929 йилларда Ўзбекистон ССРда аграр ислоҳотлар амалга оширилди.

Аграр ислоҳотлар туфайли умумий ер фондининг 70 фоизини ўз қўлида тўплаган йирик ер эгаларининг мол-мулки бутунлай тортиб

олинди, бозорга махсулот сотишлари тақиқлаб қўйилди. Яшаш манбаидан ажралган, оилавий эҳтиёжини қондириш даражасида ҳам ер-мулк қолдирилмаган шахслар хорижга кетишга мажбур бўлди. Ер-сув ислохотининг дастлабки босқичида (1925-1927 йиллар) муҳожирликка кетишга мажбур бўлганлар асосан бой-бадавлатлар бўлишган. Улар имкон қадар ўзларининг чорва молларини, қимматбаҳо буюмларини хорижга олиб кетишга ҳаракат қилишган. Бирок, Амударё билан чегараланган Афғонистон ва тоғликлардан иборат Шарқий Туркистон (Хитой) куруклик йўли чегараларида уларнинг бир қисми қўриқчилар томонидан отилди, мол-мулки таланди, анча кишилар дарёга чўкиб кетган, ўзга мамлакат ҳудудига соғ-омон ўтганлар эса маҳаллий ҳукумат аъзолари ва йўлтўсарлар жабрига учрашган¹. Айрим мардикор, чоракор, батрак, қарол ва чўпон бўлиб кунини кўрган оддий одамлар ҳам ўз хўжайинлари ортидан хорижга кетган.

Ер-сув ислохоти билан бир пайтда Ўзбекистоннинг кўпгина районларида коллективлаштириш жараёни бошланди. Ўз ерига, чорвасига, хусусий ва шахсий мулкига эга бўлиш деҳқон учун колхозга аъзо бўлиб киришдан кўра тушунарли эди. Чунки ер-сув ислохоти хусусий ташаббусни кучайтирган, асрий орзуси амалга ошган деҳқон чорвадорга оила аъзолари билан ўз истагича меҳнат қилиш, ёлланма ишчи кучидан фойдаланиш имконини берарди. Коллективлаштириш совет ҳукумати ўз қўлидан ер ва чорва олган деҳқонни бор-йўғини мажбуран тортиб олиб, ундаги умид ва ташаббусни сўндириш йўли билан янгитдан асоратга солиш эди. Бундай аграр сиёсатни деҳқонлар оммаси онгли равишда кутиб ололмасди. Коллективлаштиришга қарши чиққанлар инқилоб ва совет ҳокимияти душмани, деб эълон қилинди. Колхозларга ихтиёрий равишда кирмаган кишиларни кишлоқдан ҳайдаш, қулоқ қилиш билан кўрқитиш, нон ва сайлов ҳуқуқидан маҳрум этиш усуллари қўлланилди.

1930 йилда Ўзбекистон Марказий Ижроия Кўмитасининг округ ва туман ижроия кўмиталари ҳамда жойлардаги кишлок советларига йўллаган мактубида: «Ўзбекистоннинг Тошкент ва Фарғона округларида коллективлаштириш зўравонлик, куч ишлатиш усуллари орқали амалга оширилган, ҳатто, қурол кучидан фойдаланилган, деҳқонлар қулоқлаштириш, нон ва сувдан, сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш хавфи билан маъмурият томонидан кўрқитилган. Фарғона, Тошкент, Самарқанд округларининг ҳудудларида уй-жойлар, кичик туёқли ҳайвонлар, товуклар, ҳатто, уларнинг тухумлари ҳам умумлаштирилган»² – дейилганди.

¹ ЎзР МДА, Р-2822-фонд, 1-рўйхат, 8-иш. 87-варақ.

² ЎзР МДА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 6327-иш, 26, 80, 81-варақлар.

Колхозга аъзо бўлиб кирган деҳқон ундан чиқиш ҳуқуқига эга эмаслиги, агар норозилик билдирса маъмурий йўл билан жазоланиши, жарима тўлаши, тутқунликка маҳкум этилиши каби тартиблар жорий қилинганди³. Бу ўринда маҳаллий ҳукумат раҳбарлари ҳам ўзбошимчалик билан иш кўрганлигини қайд қилиб ўтиш керак. Айниқса, «марказ»дан келган раҳбарлар ва маҳаллий ижрочилар аҳолининг ғоявий-сиёсий савияси, тушунчаси, ҳаёти асослари, миллий хусусиятларини ҳисобга олмай кўпол хатоликларга йўл қўйдилар. Жалолобод тумани (Андижон округи) Михайлович қишлоқ шўроси раиси Решимовнинг буйруғи билан ҳар бир хўжаликка биттадан сигир қолдирилиб, бузоғи колхоз учун тортиб олинган. Шахрай жамоа хўжалигида эса аҳолининг қўйлари мажбуран тортиб олинган бўлса, Каттакўрғон жамоа хўжаликларида (Самарканд округи) уй паррандалари мажбуран умумлаштирилган⁴.

Тошкент округи Ўрта Чирчик туманида яшаган Кўчқор Бойқобилов Ўзбекистон ССР назорат кенгаши номига ёзган аризасида: «Мени Тоғай Обидов ва Қосимовлар қўли билан қулоқ қилдилар. Улар туман ҳокимиятини қўлга олишган. Улар тазйиқи билан мендан 1.500 сўм ўрнига атайин 2.500 сўм солиқ олишди»⁵ – деб ёзади.

Коллективлаштириш сиёсатини ўтказувчилар ҳам, колхозларга қираётган деҳқонлар ҳам қеч қандай инструкцияга эга эмасди, колхозчиларга меҳнат умумий тарзда ташкил этилар, иш ҳақи ҳам бир хил, текис тақсим қилинар, ҳақ тўлаш тартибга солинамас эди. Хўжалик йилининг охирида даромадларни тақсимлаш меъёри, йўл-йўриқлари ҳатто, раҳбарларга ҳам маълум эмасди. Маҳаллий раҳбарлар эса ўзларига маъқул бўлмаган ва ҳуқуқи, эрки учун курашган бир қатор шахсларни ўзича қулоқлар рўйхатига киритишган.

Чорвадор хўжаликларда 10 кун ичида чорва молларини колхозларга топшириш мажбур қилиб қўйилган. Ўз ихтиёри билан молини топширмаганлар қийноққа солинар, бор-йўғи тортиб олинарди. Уларга хунармандчилик, деҳқончилик, савдо-сотик билан шуғулланиш тақиқлаб қўйилганди. Чорва молларини колхозга беришни истамаганлар уларни сўйиб йўқотди. Натижада бутун мамлакатда 1928-1933 йилларда қорамоллар 60.1 млндан 33.5 млнга, қўй-эчкилар 97.3 млндан 32.9 млнга, йилқилар 32.1 млндан 14.9 млнга камайиб кетди. Қишлоқ халқи

³ Ўша жойда. 82-варақ.

⁴ Правда Востока. 1932. 27 апреля.

⁵ ЎзР МДА, 81-фонд, 1-рўйхат, 151-иш, 12, 18, 19-варақлар.

ярим оч хаёт кечирарди⁶. Республикада 1928-1932 йилларда салкам 715 минг қорамол, 160 минг от, 49 минг туя, 123 минг эшак ва хачир, бир неча 100 минг қўй йўқотилди⁷. Мамлакат миқёсида бу рақамлар жуда катта салмоқни ташкил этиб, коллективлаштириш жараёнидаги хатоликлар туфайли 17.7 млн от, 90 млн чўчка, 71 млн қўй ва эчки, 25 млн бош қорамол, шу жумладан, 10 млн сигир сўйиб йўқотилди⁸.

Ўзбекистоннинг барча округларида дўқ-пўписа, таъқибларга қарамай, молларни колхозларга топширмай қўшни мамлакат ҳудуди Афғонистонга ҳайдаб кета бошладилар. Чорва моллари билан бирга ўрта ҳол деҳқонлар, кулоқ қилинганлар, бошқа ер ва мулкдан ажралганлар хорижга, асосан Афғонистон, Эрон, Хитойга ўтиб кетдилар. СССР-Афғонистон чегарасини бузувчиларнинг оммавий гуруҳлари пайдо бўлди. 1931 йилда тўлиқ бўлмаган маълумотларга кўра Эронга – 1073, Афғонистонга – 1218, Хитойга – 40 га яқин хўжалик муҳожирликка кетган, 1867 хўжалик чегарада тутиб қолинган. 49 ҳолатда муҳожирлик чет элдаги босмачи бандаларнинг чет элдан ўтишининг ҳимояловчи босқинлари билан кечди⁹.

Совет ҳокимиятининг зўравонликдан иборат аграр сиёсатига қарши чиққанлар, аввало сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинарди. 1929-1930 йилларда Ўзбекистон ССР советларининг марказий ижроия қўмитаси сайлов комиссиясига юзлаб фуқаро асоссиз фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум қилинганлиги ҳақида шахсий аризалар билан мурожаат қилишган. 1929 йилнинг сентябрь-ноябрь ойида Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Тошкент округларида истикомат қилувчи Мирзо Раҳмат, Мирзо Файзи, Халилжон Узоқбоев, Охунжон Абдуллаев (Фарғона), Абдужаббор Абдуқаҳҳоров, Абдулғани Солихов, А. Курбонов, Аҳмад Раҳматов (Бухоро), Ҳасан Ниёзов, Алибек Камолов (Самарқанд), Исабек Камолов (Андижон), Тожиддин Шодмонов (Тошкент)¹⁰ кабиларнинг сайлов ҳуқуқидан асоссиз маҳрум этилганлиги билан боғлиқ аризаларини бир ҳафта ичида кўриб чиқиши, бу масала билан боғлиқ тегишли ҳужжатларни марказий сайлов комиссиясига юбориш катъий сўралала-

⁶ Гордон Л. А., Клопов В. Э. 20-йиллар охири ва 30-йиллардаги жадал сакраш: тарихий манбалар ва натижалар. Совет жамияти тарихи саҳифалари (фактлар, муаммолар, одамлар) Тошкент: Ўқитувчи, 1989. 275-бет.

⁷ Аминова Р. Ҳ. Коллективлаштириш-кашпоклаштириш демак //Шарк юлдузи, 1992. № 12, 187-бет.

⁸ Аминова Р. Ҳ. Ўша мақола, 187-бет.

⁹ Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожиаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида) Тошкент: Шарк, 2003. 336-бет.

¹⁰ ЎЗР МДА, Р-86-фонд. 1-рўйхат, 5372-иш, 69-70; 4-477; 72; 36; 35; 102; 43; 467; 107; 75-вараклар.

ди. ЎзССР Марказий Ижроия Кўмитасига республика округларидан шу қадар кўп асоссиз сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилганлардан шикоят аризалари тушадики, Ўзбекистон ССР МИҚ ташкилий бўлими округлардаги ижроия кўмиталарига ўнлаб шахсларнинг аризалари ва мулкӣ аҳволини тезда кўриб чиқиш билан боғлиқ вазифаларни кўяди.

Тошкент округи ижроия кўмитасига йўлланган топшириқлардан бирида сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилганлар Б. Толибов, И. Муҳаммадалиев, А. Тинда, А. Коркина, Т. Муҳаммадиев, Б. Толибов, А. Богославский, Г. Беркевич, А. Абдушукуров, К. Баҳонов, Тонадаларнинг бир ҳафта ичида шикоят аризалари кўриб чиқилсин. Уларнинг мулкӣ аҳволи ҳамда сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилишга асос бўлувчи ҳужжатлар бизга қайтариб юборилсин¹¹, дейилган.

1929 йил Бухоро округи ижроия кўмитасига юборилган топшириқлардан бирида сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилган 12 нафар шахснинг, Сурхондарё округига йўлланган хатда эса 3 нафар шахснинг исм-фамилияси қайд қилинган¹².

1929-1930 йилларда сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш бу жамият аъзолари сафидан ўчириш бўлиб, бундай шахсларнинг мол-мулкани тортиб олиш, колхоздан ҳайдаш, озик-овқатсиз ва ёрдамсиз қолдириш эди ва улар қулоқлар рўйхатига киритиб қўйиларди. Республика округларидаги ижрокўм идоралари ва маҳаллий советларнинг мутасаддилари сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилганлар ҳақидаги маълумотларни тўла аниқлаштирмай охириги хулосага келаверишган. Бухоро округи ижрокўмига қилинган мурожаатлардан бирида: сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар ҳақидаги тегишли асос бўладиган материалларни бизга бирортаси ҳам етиб келмади. Барча шикоят аризалари билан боғлиқ масалани кўриб чиқиб, хулосаларни юборишингизни қатъий талаб қиламиз¹³ – дейилганди. 1930 йилнинг 25 мартда Самарқанд округи номига йўлланган махфӣй мактубда мазкур округда сайлов ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги кўрсатма бутунлай бузилган, ҳатто, ёлланма меҳнатдан мажбур бўлиб фойдаланган деҳқон ҳам, иккита қора моли бор оила бошлиғи ҳам қулоқ бўлаверса ерда ким ишлайди?, деган масала кун тартибига қўйилган... 5 йил давомида ишлаб чиқариш соҳасида шуғулланган диндор ва савдогарларнинг сайлов ҳуқуқини тиклаш, сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганларнинг рўйхатини қайта диққат билан кўриб чиқиш билан боғлиқ кўрсатмалар берилади¹⁴.

¹¹ ЎзР МДА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 5372-иш, 892-варақ.

¹² Ўша жойда. 5373-иш, 879, 891-варақлар.

¹³ Ўша жойда. 5372-иш, 790-варақ.

¹⁴ Ўша жойда. 6372-иш, 21-22-варақлар.

Холбуки, Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитасининг 1929 йил 19 январдаги қарори билан агар хўжалик меҳнат хўжалиги бўлса, ўз оиласининг кучи билан ерда ишлай олмаса, меҳнат қуроллари ва ишчи хайвонлари етишмаса, касал бўлса, давлат ишларига ҳамда жамоат ишларига сафарбар қилиниб, ўз хўжалигида ишлаши имконияти бўлмаса, бундай хўжаликларга мавсумий ёлланма ишчиларни ишлатиш учун рухсат берилган эди. Қарорда мардикор ёки ёлланма ишчининг иш куни 200 кундан ошмаслиги, Хоразм округида 150 кундан ошмаслиги, Самарқанд округи лалмикор хўжаликларида ёлланма ишчи кучидан фойдаланиш эса 129 кун қилиб белгилаб қўйилган эди¹⁵. Сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилиб, қулоқлар рўйхатига киритилганлар таъкиб ва тазйикдан қочиб Ўзбекистоннинг чекка ҳудудларида яшириниб юришга мажбур бўлишарди. Баъзи кишилар эса ўзининг гуноҳсизлигига бир кун келиб, ҳукумат амин бўлади, деб ўйлашарди, охириги чора сифатида эса кўшни мамлакатлар Афғонистон, Эрон, Хитойга ўтиш йўллари изланарди.

Бир қатор шахслар оилаларини қишлоқларда қолдириб, хориждан иш жойи ва бошпана топганларидан сўнг яширин равишда оилаларини муҳожирликка олиб кетишга мажбур бўлишган. Наманган вилояти, Чуст тумани, собиқ Ленин йўли қишлоқ советининг Боғишамол маҳалласида истикомат қилувчи Уйимхон Махмудованинг аризасида: «Бераман ушбу аризани шул ҳақдаким мен ҳозирда 69 ёшдаман (1970 йил). 1928 йилларда эрим бор эди, турмуш ўртоғим Султонхон деган одам бўлиб, бу киши билан кўп йиллар турмуш кечирдим. Ўртамизда 6 яшар Абдулхамид номли ўғлимиз бор эди. 1928 йил ёз ойида турмуш ўртоғим Султонхон бизни Афғонистонга кўчириб олиб кетмоқчи бўлиб, бизга маслаҳат қилди. Биз рози бўлмадик... Эрим Султонхон – сенлар бормасаларинг ўғлим Абдулхамидни бирга олиб кетаман... У ёқда (Афғонистонда) жой ҳозирлаб келдим. Абдулхамидни, яъни ўғлимни дод дегизиб, бизни қон йиғлатиб Афғонистонга олиб кетди»¹⁶ – тарзидаги маълумот келтирилади. Гўдаклигида, яъни 1930 йилларда Қошғар (Хитой) ҳудудига ўтган Зухриддин Обид ўғли Туркистоний ҳам аввал отаси бир қадар дараксиз кетганлиги ҳамда салкам бир йил ўтганидан сўнг Хитойдан туриб оиласини кўчиртириб келиши учун дўстларини юборганлигини қайд қилади¹⁷. Хитойнинг Гулжа шаҳрида муҳожирликда яшаган ёзувчи Ёқуббек Яқвалхўжаев «Уч кўчанинг охири» номли тарихий-воқеий романида бобоси дастлаб Ўзбекистонда советлар таъқибидан яшириниб

¹⁵ Ўша архив, 6372-иш, 21-варақ; 5432-иш, 99,101,103-варақлар.

¹⁶ ЎзР МДА Р-2661-фонд, 1-рўйхат, 463-иш, 32-варақ.

¹⁷ Муаллифнинг шахсий суҳбат материаллари, 2003 йил 15 май Зухриддин Обид ўғли Туркистоний. Анда жоним қолди менинг. Тошкент: Чўлпон. 1992. 15-бет.

юришга мажбур бўлганлиги, сўнгра ноиложликдан ўз авлодларини Хитойга кўчириб олиб кетганлигини ёзганди.

Колхозга киришдан бош тортганларнинг оилавий эҳтиёжи учун тўшланган ғалласи ҳам тортиб олинган. Бундай кишиларга қишлоқ одамлари ёрдам берса, бузғунчи ҳуқуқбузар ва совет ҳокимиятининг душманлари рўйхатига киритиларди. 1929-1930 хўжалик йилида бу каби ҳолатлар кўплаб рўй берганлиги тарихий ҳужжатларда қайд қилинган. Самарқанд округига қарашли Пастдарғом туманининг Сазагон қишлоғида яшовчи фуқаро Курбон Эрназаровдан оиласи эҳтиёжи учун бозордан сотиб олган 25 пуд (400 кг) миқдоридagi буғдой Зарафшон округи молия назорати бўлими томонидан зўрлик билан тортиб олинган, унга дала ишлари авжида бўлган пайтда бозорда юриш айби қўйилган¹⁸. Қўчқор Бойқобиловга (Тошкент округи) қулоқлаштириш учун қўйилган айблардан бири: 1928-1929 йилларда мол-мулки колхозга мусодара қилиниб бор-йўғидан ажралган ва қулоқлар рўйхатига киритилган Абдулла Кенжаевга бошпана берганлиги, ўз еридан бир қисмини унга ишлаш учун ажратгани эди¹⁹. Қолбуки, Қўчқор Бойқобиловда 1 та от, 1 та ароба, 1 та қўй, 2-3 га миқдоридa ер бўлиб, колхоз ўзини безовта қилмаслиги учун колхоз фонди учун 1300 сўм пул тўлаган ва 1100 сўмга от ҳам сотиб олиб берганди. Унинг хўжалигида Абдулло Қори, Жумакул Жумабоев, Зайнаб Ирмонова кабилар ёлланиб ишлашган. Колхозга шунчалик ёрдам беришига қарамасдан ўз аробасини «Қизил аскар» номли бошқа колхозга 300 сўмга сотганлиги, ҳосил терими вақтида бозорда савдо-сотик билан шуғулланганлиги, қассобчилик қилганлиги, ўз қўли билан экин экмаганлиги, ёлланма меҳнатдан фойдаланганлиги, «пианисталиги» каби айблар қўйилиб, қулоқ қилинди²⁰. 1933-1934 йилларда Қ. Бойқобилов 1.5 га ерга пахта экиб 400 сўм, 0.25 га ерга гуруч экиб, 200 сўм, 1 та ишчи оти учун 300 сўм, ишбилармонлиги учун 1200 сўм солиқ тўлаган. 1929-1930 йилларда коллективлаштириш жараёнини жадаллаштириш, бу борада юқори фоизга эришиш ортидан қувиш туфайли расмиятчиликлар кучайиб кетди. Колхозлар Ўзбекистонда кўп ҳолларда қоғоздагина мавжуд бўлиб, бир уруғдаги қавм-қариндошлар уюшмасидан иборат эди. Тошкент округидаги Пскент ва Сурхондарё округидаги Бойсун туманлари колхозларида 8-9, кўпи билан 10 та хўжалик бирлашган, яъни қавм-қариндошлар ака-ука, опа-сингил ва амакиваччалар бир колхоз эди²¹. Нисбатан кўп хўжаликларни бирлаштирган колхозлардаги

¹⁸ ЎзР МДА Р-86-фонд, 1-рўйхат, 5372-иш, 838-варак.

¹⁹ Ўша жойда. 151-иш, 1-варак.

²⁰ Ўша жойда. 2-3-вараклар.

²¹ ЎзР МДА Р-86-фонд, 1-рўйхат, 6828-иш, 324-варак.

алоҳида бўлинган бригадаларга кишлоқ аҳолиси ўз уй ҳайвони ва ишчи ҳайвонлари билан кирган. Бошқа ночор бригадаларга ишчи ҳайвонлари, ҳатто, ишлатиш учун ижарага ҳам берилмасди. Жаругон колхозидаги (Пискент тумани) битта бригадада 132 гектар ер бўлиб, шунча ерга 4 та от билан ишлов берилган. Иккинчи бригадада эса 19.5 гектар ерга 6 та от билан ишлов берилган. Ушбу тумандаги «Меҳнат» номли колхозда биринчи бригада ўзининг 82.5 гектарли ер участкасига 3 та от ва 4 та хачир билан ишлов берарди. Иккинчи бригада эса 24.5 гектарлик ерига 11 та от ва 6 та хачир билан ишлаган²². Архив ҳужжатларининг маълумотида, бошқа бригада ёки колхозга ишчи ҳайвонини зўрлик билан олиб кетиш норозилик ва тўполонни келтириб чиқарган. Ўз хўжалигидан шахсий моллари чиқишини хоҳламаганлар уларни сўйиб йўқотган ёки бозорга чиқариб сотиб юборган. Колхозлар пахта, дон, гуруч тайёрлаш режасини бажармаса ҳам, колхоз камомад билан хўжалик йилини яқунласа ҳам, колхоз омборига номаълум сабабга кўра ўт кетса ҳам, кишилар ўз шахсий молини сўйиб қўйса ёки бозорга чиқариб сотса ҳам, камбағаллар солиқни ўз вақтида тўламаса ҳам, колхоз бюджети учун 5 фоизли солиқ ўрнига 2 фоизли солиқ тўлашни талаб қилса ҳам, кундалик иш нормаси ва иш ҳақи тўлаш қоидаларини ишлаб чиқишни сўраб мурожаат қилса ҳам қулоқ қилиш ёки қулоқлаштириш билан кўрқитиш усуллари қўлланиларди. 1930 йилларда айрим ўзига тўқ деҳқонлар маҳаллий ҳукуматлардан кашшок деҳқон эканликлари ҳақида махсус маълумотнома олишарди, айримлари эса қулоқлар рўйхатига тушиб қолишдан кўрқиб, бир тумандан иккинчисига қочиб ўтишган. Қурама тумани вакили А. Бобоназаров 1931 йилда бўлиб ўтган умумўзбек советларининг IV курултойида сўзлаган нутқида: Қурама туманида «қулоқлар»га улар кашшоклигини тасдиқловчи ҳужжат бердилар. Бу «қашшок» кишилар ўз вақтида Паркентдан Қурамага қочишга мажбур бўлган кишилар эди. Қурама туман ижроия қўмитаси кўчиб келганларни ҳисобга олмай партиянинг қулоқларга нисбатан муносабатидаги сиёсатини бузди²³-деганди.

АҚШлик муҳожир ўзбек Гиёсиддин Насафий 1931 йил воқеаларини куйидагича эслайди: «Отамиз отларини сотиб қўйганлиги учун қулоқ қилишган. Биз шундан сўнг 17 хўжалик тунда йўлга чиқиб Касбидан Нишонга, Нишондан Талимаржонга, ундан Амударё бўйидаги Карки шахрига етиб келдик. Тунда Амударёдан чегарачиларнинг ўқлари остида бир амаллаб ўтиб, туркман чўллари орқали Афғонистоннинг

²² Ўша жойда. 330-варак.

²³ ЎЗР МДА Р-86-фонд, 1-рўйхат, 6828-иш, 360-варак.

Андхўй шаҳрига етиб келдик»²⁴. Саудия Арабистонида истикомат қилувчи муҳожир ўзбек Абдулқосим Абдурахим Учқун: «мустабид сиёсатнинг жохилликлари ўлароқ ишбилармон, бой-бадавлат ва жамоаларга бирлашишни истамаган юзларча ватандошларимиз аввало, иймону эътиқоди қатъий бўлганлар зўравон мафқуранинг қурбони бўлмокни ўзларига эп кўрмадилар. Иложсиз суръатда Туркистонни ташлаб чиқдилар»²⁵-деб фикр билдиради.

1930 йилда Сурхондарё округининг Патта Ҳисор тумани (ҳозирги Термиз тумани) хўжаликлари билан боғлиқ 1930-1931 йилларга тегишли архив маълумотида: қулоқ қилинганлар сони 161 та бўлиб, улардан 47 таси асир олинган, 40 таси қўшни республикалар Туркменистон, Тожикистон ва Афғонистон давлатига қочиб кетган. Туманда 1930 йилда 13.972 та қорақўл қўйлар бўлган, 1931 йилга келиб 10.029 та га тушиб қолган. Майда туёқли ҳайвонлар сонини камайишига сабаб қулоқларнинг четга уларни ҳайдаб кетиши билан боғлиқ²⁶, -деб қайд қилишган.

XX аср 20-йилларининг охири 30-йилларда солиқ ва тўловларнинг кўплиги ҳам аҳолини мўътадил хўжалик юритишига имкон бермасди. 1930 йилларда кундан-кунга солиқ турлари ортиб 16 тага етди. Ҳатто, чикитларни ҳам солиқ сифатида давлатга топшириш керак, деган уйдирмани ўйлаб топдилар. Энди отларнинг думларини итнинг, эшакнинг, ҳатто, илонинг пўстини, лагга-путталарни, суякларни, шохларни, туёқларни ҳам давлатга топшириш керак эди. Шу турдаги солиқни тўлашга қодир бўлмаганлар битта-иккита молини мажбуран сўйиб, чикитини беришга мажбур бўлганди²⁷. Қулоқ қилинишга ҳар бир хўжаликнинг тўлайдиган бир йиллик солиқ миқдори меъёрий ўлчов қилиб олинди. Камбағал деҳқонларнинг уюшмаси бўлган «Қўшчи» союзига аъзо бўлиб кириш учун ҳам 2 сўму 40 тийин кириш бадали тўланар, аъзолик дафтарчаси эса икки ойдан кейин берилиб, унинг вазифалари ҳақида 80 фоиз деҳқонлар хабарсиз эди²⁸. 1931 йилда Фарғона вилоятида «Қўшчи» союзи фаолиятини текширган Кистановнинг ёзма ахборотида: «Қўшчи» союзининг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштироки бўш... «Қўшчи» фаоллари оммага раҳбарлик қила олмайди. Волост комитетларида «Қўшчи» союзининг обрўси сезилмайди, хўжалиқни мустаҳкамлашда роли

²⁴ М. Абдулла Олтмиш йилдан сўнг // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1992 йил 7 август.

²⁵ Ёш ленинчи. 1991 йил 18 декабрь.

²⁶ ЎзР МДА Р-86-фонд, 1-рўйхат, 7616-иш, 38-40-варақлар.

²⁷ Айтматов Ч., Шохонов М. Чўққида қолган овчининг оху зори. Тошкент: Шарк, 1998. 183-184-бетлар.

²⁸ ЎзР МДА Р-87-фонд, 46-иш, 10, 11-варақлар.

йўқ... «Қўшчи» союзи раисига маош йўқ, аъзолик бадаллари ўз вақтида тўпланмайди. «Қўпчи» союзи ҳеч қандай маданий-маърифий ишларни ўтказмайди. Союзнинг ўзаро ёрдам комитетлари номигагина, деярли барча қишлоқларда бу комитет ҳаракатсиз. Фақат, бойларга душманлик кайфияти мавжуд, деб ёзганди²⁹. Агар деҳқон банкдан қарз олмақчи бўлса, 100 сўмлик векселга 60 сўм пул оларди, қолган 40 сўми турли солиқлар учун ушлаб қолинган. Ҳатто, партия ва давлат раҳбарларининг портретларини юқори баҳоларда халқ орасида мажбурий тарқатишган. Уларни сотиб олиш гўёки солиқ тўлаш мажбуриятига айлантирилган эди. «Қишлоқ хўжалик биродарлиги» номли ташкилот деҳқонларни ҳар бир килограммига 5 сўмдан тўлаб, гуруч сотиб олишга мажбур қиларди, ҳолбуки 1931-1932 йилларда энг сифатли гуруч нархи бозорда 4 сўмдан юқори баҳоланмаган³⁰. Деҳқонларга қишлоқ хўжалик солиғи оғир эмас, балки маҳаллий ва фавқулодда ўйлаб топиладиган солиқлар оғирлик қиларди. Бирор-бир ташкилот ёки уюшма иш бошласа, албатта унга «ихтиёрий» аъзо бўлиш ҳаракати бошланган. Хужжатлардан бирида аъзо бўлиб кириш ихтиёрий бўлган ташкилотга мажбурий солиқлар тўлаш жорий қилинганлиги қайд қилинади. Аҳолидан «хор-хор» газетаси учун 10 тийин солиқ олинади, тиббиёт ташкилотининг значоги учун 3 сўму 10 тийин тўланади. Аъзолик бадали эса доимо ўз вақтида тўлаб борилиши керак³¹ – деб ёзилади архив хужжатларида.

Бухоро округининг Вобкент туманидаги деҳқонлардан бири 1932 йилда «Ёки мени солиқлардан озод қилинганлар ёки мен ўзимни жонимга қасд қиламан. Агар мени солиқлардан озод қилмасанглар мен ортиқ чидай олмайман ёки хорижга қочиб кетаман ёки ўзимни ўлдираман»³², каби аянчли сўзларни айтган.

Бухоро округидаги икки волост Вобкент ва Қорақўл волостларидаги 23 қишлоқни текширган (Қорақўлдан 14 та, Вобкентдан 9 қишлоқ) махсус комиссия маълумотича, ерсиз хўжаликлар 17 фоизни, 0.1-3 таноб ерга эга бўлганлар 52 фоизни, 3-6 таноб ва ундан ортиқ ерлик хўжаликлар 26 фоизни ташкил қилиши аниқланади. 0.1-3 таноб ери борлар чорва моли билан 0.95 фоиз, учинчи гуруҳдагилар 1.2 фоиз таъминланган холос. 20 таноб ери бор бойлар ҳар қишлоқда 2 та хўжаликдан ортмаган... 3-6 таноб ери борларнинг йиллик бюджети 79 сўмни, 10 танобдан ортиқ ери бор хўжаликларнинг бир йиллик оилавий бюджети 127 сўм-

²⁹ ЎзР МДА Р-87-фонд, 1-рўйхат, 43-иш, 88-варақ.

³⁰ Ўша жойда. 10-варақ.

³¹ ЎзР МДА Р-87-фонд, 1-рўйхат, 46-иш; 9-варақ.

³² Ўша жойда. 9-10-варақлар.

ни ташкил этишини³³ ҳисобга олсак деҳқонлар тўлайдиган солиқлар миқдори жуда катта эди. Солиқлар юки елкасига миниб борган айрим деҳқон хўжаликлари ўзи яшаб турган жойдан қочишга мажбур бўларди. Хўжалигида етиштирган маҳсулотни сотиш ва саноат молларига бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида бозор билан боғланган деҳқонларга ҳам оғир эди. Жумладан, ҳокимият органларига сайловларни ташвиқот ва тарғибот қилиш, митингларни уюштириш аҳоли тўпланадиган жой, бозорларда маъмурий йўл билан ташкил қилинарди. Деҳқонлар 1.5-2 соатлаб митингларда иштирок этиб, бозорда ўзлари етиштирган маҳсулотларини сота олмай бир неча кун овора бўларди. Аҳоли қачон-ким бозорда тўпланса, бозорнинг тўрт томонига тўртта милиционер қўриқчи қилиб қўйилади. Бозор майдонида тўпланган халқ 1.5 соат давомида турли-туман нутқларни тинглашга мажбур қилинади. Деҳқонлар эса бирор-бир яширин бурчак ёки жой топиб, кеч бўлиб қолмасдан ўз маҳсулотини сотиш ғамида бўлган³⁴. Деҳқонларнинг кўп туманларда 15 фоизи сайловларда қатнашиб, 85 фоиз оддий қишлоқ аҳолиси тирикчилик учун елиб-югуриб юрганлиги ҳужжатларда қайд қилинади.

1920-1933 йилларда республиканинг кўпгина туманларида иқтисодий аҳвол аянчли эди. Бойсун туманининг (Сурхондарё округи) Тошпўлат кентига буғдой ҳосилсизлиги туфайли очлик бошланди (1932 йил), ўт ва ем-хашакнинг йўқлиги туфайли чорва моллари ўлиб тугади. Аҳоли бошқа туманларга оммавий кўчиб кетмоқда³⁵-дейилади, архив ҳужжатларида. 1934 йилда СССР Халқ Комиссарлар советининг якка хўжаликларга бир қарра солиқ солиш тўғрисидаги қарорига бинонан шахсий хўжаликларга қарз бериш бекор қилинди. Солиқни тўламаган якка хўжаликларнинг мол-мулки мусодара қилинди. Асосий қисми қишлоқда яшаётган Ўзбекистон аҳолисининг олдида ҳар қандай зулм, хўрлик ва қатағону қирғинларга бардош бериб яшаш, мустамлака ва зўравонликка қарши чиқиб ҳалок бўлиш ёки ота-боболари юртини ташлаб, муҳожирликка кетиш каби уч йўлдан бирини танлаш турарди. Сўнгги йўлни танлаганлар 1918-1925 йилларда совет ҳокимиятига қарши қуролли кураш олиб борган муҳожиратдаги ўзбеклар сафига бориб қўшилдилар. 1929-1935 йилларда Бухоро, Самарканд, Қўқон, Хива, Наманган, Андижон, Марғилон, Тошкент каби қадимий шаҳарлар ва уларнинг туманларидаги юзлаб қишлоқлардан одамлар уй-жойларини ташлаб муҳожирликка кетдилар. Чет элга қочиб кетган фуқароларнинг

³³ ЎзР МДА Р-86-фонд, 1-рўйхат, 46-иш, 1-2-варақлар.

³⁴ Ўша жойда 5-6-варақлар.

³⁵ ЎзР МДА Р-87-фонд, 1-рўйхат, 43-иш, 60-варақ.

уй-жойлари, мол-мулклари, буюмлари таланди, улардаги ёғоч, эшик-де-разалар ўтин сифатида ишлатилди.

1929-1934 йилларда Наманганда 7000 дан ортиқ шундай ташландиқ уй-жойлар рўйхатга олинган бўлса, Бухорода 1930 йиллар бошида мавжуд 12 минг ҳовли жойидан 1938 йилга келиб атиги 4 минг ҳовли жой қолганди холос³⁶. Хорижга кетганларнинг уй-жойларидан колхоз омборхонаси, идора ва клуб, мактаб, савдо дўкони сифатида фойдаланилган. Бирок, кўпгина бинолар каровсиз қолиб кетган ёки вайрон қилинган. 1920-1930 йилларда муҳожирликка маҳкум этилган ўзбекларнинг салмоқли қисми гўдаклар ва ёш болалар бўлишган. Улар ота-оналари билан чет элларга кетишга мажбур бўлган, ихтиёри ўзида бўлмаган болалар эди. «Мен ватандан (Ўзбекистон) 5 ёшда айрилган эканман, 29 йилдан буён (1932 йил, 1961, 12 сентябрь) ҳар турли юртларда мусофирчилик машаққатларини кўп тортдим... Мен ҳақиқатни севаман. Аммо, ҳақиқатдан илгарироқ ватанимни севаман»³⁷-деб ёзганди Саудия Арабистонидан Хуршидбек Тошкандий. Шарқ ва Ғарбнинг турли мамлакатларида истиқомат қилаётган муҳожир ўзбекларнинг ҳаёт йўллари ўрганилар экан юкоридаги фикр ўз тасдиқини топади. Мирзо Пўлат Ҳакимий 1930 йилда Қўқонда (Фарғона вилояти) туғилган. 1932 йилда 2 ёшида муҳожирликка олиб кетилган. Туркия ва АҚШда яшаган³⁸. Мен болалигимда Афғонистоннинг Андхўй ва Таликон шаҳарларида паноҳ топдим. 13 ёшимда отамдан қассобчиликни ўрганиб ишлай бошладим, хунармандчилик, қишда ҳолвачилик қилдим. Қобулда яшовчи тожик кизига уйланиб, 38 йил Афғонистонда яшадим, 1978 йилда Саудия Арабистонига кўчдим...³⁹ деб эслайди «Ваҳий нима?», «Қуръон мўъжизами?», «Қуръон ва иймон» китоблари муаллифи Абдулла Учқун. 1967 йилги маълумотларга кўра Измирда (Туркия Республикаси) яшаган Ҳидоятулла Ҳакимнинг ота-онаси 1939 йилда Афғонистонга муҳожирликка кетишган ва у ушбу мамлакатда туғилган. Мўминжон Андижоний 9-10 яшарлигида муҳожирликка кетган... Жўра Қори Бўтакўз (Туркия) 5 ёшида муҳожир бўлган. Собир Сайхонли (Туркия) 38 кунлик чақалоклигида қариндошлари билан Афғонистонга (1931 йил) олиб ўтилган... Кичик савдогар, 1967 йилда 60 ёшда бўлган асли андижонлик Ҳайбатулла Муҳит 1930 йиллар бошида Афғонистонга муҳожирликка кетган⁴⁰. Архив маълумотларига кўра Афғонистондаги муҳожир ўз-

³⁶ Правда Востока. 1937. 17 ноября; 1938. 8 янв.; 1939. 22 июнь.

³⁷ ЎзР МДА Р-2661-фонд, 1-рўйхат, 85-иш, 1-варақ.

³⁸ ЎзР МДА Р-2822-фонд, 1-рўйхат, 89-иш, 40-варақ.

³⁹ Шахсий суҳбат материаллари. 1992 йил 15 март.

⁴⁰ ЎзР МДА Р-2822-фонд, 1-рўйхат, 89-иш, 40-41-варақлар; 8-иш, 86-87-варақлар.

бекларнинг 30 фоизи 1917 йил октябридаги тўнтаришдан кейин асосан қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва қулоқлаштириш йилларида муҳожир бўлганлар⁴¹.

Совет мустабид тузуми ҳукмронлиги йилларидаги ўзбек муҳожирлигининг энг катта тўлкини 1920 йилларнинг охири ва 1930 йилларда юз бериб, хорижга муҳожирликнинг асосий сабабларидан бири совет ҳокимияти томонидан юритилган нотўғри аграр сиёсат эди. Хуллас, мажбуран коллективлаштириш, қулоқлаштириш, мислсиз солиқ ва мажбуриятлар, очлик, қашшоқлик омиллари туфайли минг-минглаб ўзбеклар муҳожир бўлдилар. XX асрнинг 20-30-йилларида муҳожирликка маҳкум этилган ўзбеклар 1917-1925 йиллардаги ўзбек муҳожирларидан фарқ қилиб, улар совет ҳокимиятига қарши курашганлар эмасди. Аксинча, совет ҳокимияти йилларида ҳар қандай шартларга қўниб яшаган, Ўзбекистонда имкон қадар қолишга ҳаракат қилган оддий меҳнаткаш аҳоли вакиллари, ўрта ҳол, ўзига тўқ кишилар қисман эса бойлар эди.

Ш. Хайитов

Формирование узбекской эмиграции в процессе коллективизации сельского хозяйства

Статья посвящена вопросу об узбеках – эмигрантах, вынужденно покинувших Узбекистан в 20-30-е годы XX в. На основе архивных источников раскрываются причины и факторы узбекской эмиграции того периода, прослеживается политическое и социально-экономическое положение узбеков-эмигрантов в зарубежных странах.

Sh. Hayitov

The formation of Uzbek emigration during the process of collectivization

This article tells about Uzbek emigrants who were forced to leave Uzbekistan in the 1920-1930es. The factors and reasons of Uzbek emigration in the period are discovered on the basis of archival sources. Social, economical and political life of the Uzbek emigrants are also stated in the article.

⁴¹ ЎзР МДА Р-2822-фонд, 1-рўйхат, 89-иш, 43-варак.

М. Сарыбаев

ХЛОПКОВАЯ ПОЛИТИКА СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ В КАРАКАЛПАКИИ В 1965-1985 гг.

Обретение государственного суверенитета привело к коренным изменениям в историческом развитии Узбекистана и входящей в его состав Республики Каракалпакстан. Независимость придала мощный импульс глубинному преобразованию экономики, социальной сферы, всех сторон жизни нашего общества.

Среди актуальных проблем отечественной истории и в то же время ключевых вопросов развития Республики Узбекистан и Каракалпакстан приоритетное место занимают вопросы правдивого освещения истории социалистической трансформации сельского хозяйства, в частности, её ведущей отрасли – хлопководства. Их высокая научно-познавательная и практическая значимость обусловлена той огромной ролью, которую играет сельское хозяйство, хлопковый комплекс в решении программных задач выхода Узбекистана и Каракалпакстана на передовые рубежи социально-экономического прогресса. «От того, – подчеркивал Президент Республики Узбекистан И. А. Каримов, – насколько глубоко процессы радикальных преобразований затронут аграрный сектор, как далеко пойдут реформы на селе, во многом зависит исход всех экономических преобразований, стабильность и благополучие народа»¹.

Сегодня теоретически и практически важно осмыслить, в чём проявилась ограниченность аграрного курса советского режима, что вызвало глубокую деформацию хлопкового комплекса. В этом отношении особое место занимает хлопковая политика советской власти в Каракалпакии в 1965-1985 гг.

Нарастание кризисных явлений в сельском хозяйстве Узбекистана и входящей в его состав Каракалпакии, явившееся следствием провалов в экономической политике периода Н. С. Хрущева, поставило брежневскую администрацию перед необходимостью модернизации хозяйственного механизма в аграрном производстве. Был намечен курс на увеличение капиталовложений в сельское хозяйство, укрепление его материально-технической базы, повышение закупочных цен на сельхозпродукцию, усиление материальных стимулов труда посредством вве-

¹ Каримов И. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса // По пути безопасности и стабильного развития. Ташкент: Ўзбекистон, 1998. Т. 6. С. 159.

дения хозрасчета, преодоление «перегибов» по отношению к сельским подворьям, более широкое решение социальных проблем села.

В Узбекистане и Каракалпакии эти нововведения выразились в значительном увеличении финансовых вливаний в сельское хозяйство. Так, за 1965–1985 гг. в аграрный комплекс Узбекистана было направлено 46976 млн. руб.² В Каракалпакии в 1970-е годы в связи с масштабным ирригационным строительством на нужды аграрного производства было затрачено свыше 1760 млн. руб. – более половины всех капитальных вложений в народное хозяйство автономной республики³.

Важно отметить, что в финансово-ресурсном обеспечении сельского хозяйства Узбекистана особую роль сыграл видный региональный лидер тех лет Ш. Р. Рашидов⁴. На протяжении всей своей многолетней государственной деятельности, вплоть до последних дней жизни (1983 г.), в сложных реалиях тоталитарного режима Ш. Р. Рашидов стремился отстаивать интересы Узбекистана. Находясь, по образному выражению И. А. Каримова, «между молотом и наковальней», Ш. Р. Рашидов не забывал о национальных интересах, «стремился сводить до минимума вред, наносимый приказами бывшего центра...»⁵.

В развитии Каракалпакии большая заслуга принадлежит К. К. Камалову, который «отдавал, – как аргументированно отмечает академик С. Камалов, – много сил и энергии развитию республики»⁶.

Однако возможности национального руководства были ограниченными. Центр неизменно определял политику и стратегию во всех областях экономики Узбекистана, в том числе сельского хозяйства, суть которой сводилась к интенсивному наращиванию объемов хлопкопроизводства. Для обеспечения этой приоритетной задачи закладывалась схема бюджетного финансирования, целевое выделение ресурсов Узбекистану и Каракалпакии. В результате многие объективно прогрессивные начинания сопровождались серьезными деформациями, наряду с

² Тарих шохидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши / Масъул мухаррир Д. А. Алимова. Тошкент: Шарқ, 2001. 289-бет.

³ История Каракалпакской АССР (с древнейших времен до наших дней) / Под ред. Нурмухамедова М. К. Ташкент: Фан, 1986. С. 302.

⁴ Тарих шохидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши... 289-290-бетлар.

⁵ Каримов И. Узбекистан: национальная независимость, экономика, политика, идеология. Ташкент: Ўзбекистон, 1996. Т. 1. С. 89.

⁶ Камалов С. Социально-экономическое положение Каракалпакстана и Аральская катастрофа (1917-1990 гг.) // Аральская катастрофа. 1999. № 6. С. 3.

отдельными успехами усиливались негативные явления, обернувшиеся в конечном итоге острым кризисом для всего сельского хозяйства⁷.

Хотя основным элементом хозяйственной реформы тех лет был объявлен курс на интенсификацию сельскохозяйственного производства, на практике продолжала действовать инерция экстенсивных подходов.

Доказательством тому являются методы, которые использовались Центром для увеличения объемов сельскохозяйственного производства в Узбекистане и Каракалпакии, когда необходимые показатели планировалось получить за счет не повышения урожайности, а расширения посевных площадей посредством освоения новых степных массивов. В результате широкомасштабных работ по освоению новых земель в бассейне Амударьи и Сырдарьи площадь орошаемых земель в Узбекистане за 1965-1980 гг. увеличилась в 1,4 раза⁸.

Необходимо заметить, что программа освоения новых земель не опиралась на научную основу. Освоение новых земель требовало дополнительного количества водных ресурсов, и то, что не была определена доля воды для Арала с Амударьи и Сырдарьи, привело к безудержной трате водных ресурсов и ускорило процесс высыхания Аральского моря.

Центр по-прежнему в директивной форме навязывал повышенные плановые задания по росту объемов хлопкопроизводства, хотя уже к началу 1960-х годов хлопководство заняло в посевном клине Каракалпакии 68,8%⁹.

Особенностью рассматриваемого периода было и усиление процессов сращивания партийной номенклатуры с государственными и хозяйственными органами, осуществлявшими управление колхозами и совхозами.

Курс на стремительное расширение сети совхозов отражал политику союзного руководства, направленную на огосударствление сельского хозяйства, на создание, в перспективе, «единой общенародной собственности». В Узбекистане, в том числе в Каракалпакии, рост сети совхозов был во многом обусловлен широким освоением целины. В условиях малолюдья степных регионов совхозы представлялись тог-

⁷ Тарих шохидлиги ва сабоклари чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши... 290-бет.

⁸ Мавлянов А. Ш. Осуществление аграрной политики в Узбекистане (1965-1980 гг.): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. Ташкент, 1987. С. 28.

⁹ Камалов С. Социально-экономическое положение Каракалпакстана и Аральская катастрофа (1917-1990 гг.) // Аральская катастрофа. 1999. № 6. С. 3.

да, как наиболее перспективная форма хозяйственного освоения новых земель.

В целом за рассматриваемый период сеть совхозов возросла в Каракалпакии с 42 до 127, а колхозов, напротив, сократилась с 41 до 38¹⁰.

Анализ архивных материалов и воспоминания очевидцев событий свидетельствуют о том, что государство, санкционировавшее образование госхозов, поставило их деятельность в жесткую зависимость от своей воли, лишив вновь созданные хозяйства необходимой поддержки в самый трудный для них период становления и формирования производственной и непроизводственной инфраструктуры. В результате возросло число трудноуправляемых и маломощных хозяйств. Тогда развернулась кампания по разукрупнению совхозов¹¹. Но и эти хозяйства зачастую оказывались вскоре брошенными на произвол судьбы. В итоге в Каракалпакии возросло число убыточных совхозов, не имевших прочной материально-производственной базы¹².

Противоречиво решались и вопросы механизации сельского хозяйства, в том числе хлопкопроизводства. Хотя и говорилось о равноценности двух форм хозяйствования и провозглашался курс на переход к комплексной механизации колхозного производства, в 1970-1980-е годы колхозы были меньше вооружены новейшими машинами, оборудованием и другой высокопроизводительной техникой, чем совхозы. Вместе с тем во многих колхозах и совхозах Каракалпакии отсутствовали ремонтные мастерские, пункты технического обслуживания машин и техника зачастую простаивала без ремонта¹³.

Хлопковая политика Центра в этот период была направлена на безудержную погоню за количественными показателями, что привело к воцарению психологической установки – чем больше внесешь удобрений и химикатов, тем плодотворнее будут результаты. Сельское хозяйство Каракалпакии было завалено ядохимикатами в таком количестве, что не успевали строить складские помещения. В Нукусском, Кунградском, Ходжейлийском, Чимбайском районах они хранились в центре густонаселенных жилых поселков, часто соседствовали со складами продовольственных товаров и водоисточниками¹⁴. Уже во второй половине 1960-х

¹⁰ Народное хозяйство Каракалпакской АССР за 60 лет. Юбилейный стат. сб. Нукус: Каракалпакстан, 1984. С. 47-48.

¹¹ АЖК РК, ф. 1, оп. 22, д. 410, л. 1.

¹² Там же, д. 541, л. 43-49.

¹³ Там же, д. 518, л. 6-13.

¹⁴ ЦГА РУз, ф. 2454, оп. 6, д. 1866, л. 66.

годов на 1 га посевов хлопчатника в среднем по Узбекистану вносилось 198 кг азота и 95 кг фосфора¹⁵. Во многих хозяйствах эти показатели были на порядок выше. Опасность применения ядохимикатов во много раз возрастала из-за того, что отряды защиты растений находились на хозрасчете и их финансовое положение, т. е. заработки, были в прямой зависимости от количества обработанных площадей. Вместо того, чтобы обработать только небольшой очаг поражения, ядохимикаты нередко распылялись на сотни гектаров¹⁶.

Центр, добываясь ускоренного наращивания производства хлопка в Узбекистане и Каракалпакии, совершенно не заботился об интересах и здоровье населения края¹⁷. Напротив, он предпринимал энергичные меры к увеличению производства и расширению зоны использования опасных для людей и среды их обитания химикалиев и токсичных средств, из года в год увеличивая поставки ядохимикатов¹⁸.

Особенно ускоренными темпами внедрялись такие сильнодействующие ядохимикаты, как дуст и паста ДДТ, бутифос, хлорат магния, хлорат хлорида кальция и др. Хотя союзное руководство в лице своих министерств неоднократно подчеркивало их «безвредность», только за 1965-1970 гг. по Узбекистану и Каракалпакии было зафиксировано 950 случаев отравления среди людей и уже к концу 1960-х годов на каждого сельского жителя приходилось свыше 10 кг высокотоксичных ядохимикатов¹⁹. К середине 1980-х годов на каждый гектар хлопковых плантаций приходилось 24,5 кг опасных химикалиев, тогда как в странах с развитой экономикой – лишь 0,5 кг²⁰.

Ядохимикаты распылялись преимущественно средствами авиации. В результате токсичные вещества концентрировались в воздухе, воде, почве, жилых постройках. Все это резко ухудшало природную среду обитания, создавало угрозу для жизни десяткам тысяч сельчан, вело к росту болезней и уровня детской смертности, вызывало опасные изменения на генном уровне.

Научно доказано и практически подтверждено действие ядохимикатов на организм человека в районах, где широко применяются ядохими-

¹⁵ Там же, ф. 90, оп. 10, д. 2143, л. 28.

¹⁶ Там же, ф. 2454, оп. 6, д. 1866, л. 71.

¹⁷ Там же, ф. 837, оп. 41, д. 267, л. 134-139.

¹⁸ Там же, ф. 837, оп. 42, д. 1859, л. 24.

¹⁹ Там же, ф. 837, оп. 42, д. 1859, л. 264.

²⁰ Обламурадов Н. Развитие аграрного производства Узбекистана в 1971-1990 гг. Опыт, уроки и проблемы: Автореф. дис. ... докт. ист. наук. Ташкент, 1994. С. 28.

микаты. Здесь в 2-3 раза регистрируется больше заболеваний органов дыхания, эндокринной и сердечно-сосудистой систем, печени, анемия, рождение умственно отсталых детей и онкологических заболеваний.

В 1985 г. по сравнению с 1975 г. заболеваемость населения Каракалпакстана, особенно на селе, возросла: остеохондрозом – в 84 раза, врожденными аномалиями кровообращения – в 23 раза, нефритом – в 29 раз, желчно-каменными болезнями – в 44 раза, пневмонией – в 47 раз, железодефицитной анемией – в 552 раза, резко возросла и заболеваемость онкологическими заболеваниями и туберкулезом²¹.

Руководство Узбекистана и Каракалпакии, стремясь защитить национальные интересы собственного народа, предпринимало усилия по предупреждению опасных последствий широкого использования высокотоксичных химикалиев, ограничению зоны их применения, нейтрализации, в какой-то мере, негативных сторон навязанного Центром курса тотальной химизации сельского хозяйства и, прежде всего, его ведущей отрасли – хлопководства.

«Однако, – подчеркивает И. А. Каримов, – их взывания к совести, гражданскому долгу, наконец, к разуму натыкались на холодное, я бы сказал циничное, равнодушие обюрократившихся советско-партийных чиновников. И это не удивительно. Вся суть социалистической системы хозяйствования, основанная на хищническом, экстенсивном, связанном с огромными затратами и потерями использовании природных и минерально-сырьевых ресурсов, была чужда идеям бережного отношения к огромному богатству, каким располагала страна»²².

Как обоснованно отмечает Т. Р. Пардаев, «...осуществляемые мероприятия носили паллиативный характер, ибо не устраняли базисные факторы масштабного применения ядохимикатов. Разрушающее воздействие тоталитарной системы оказалось сильнее предпринимаемых руководством Узбекистана усилий»²³.

В ответ на тревожные докладные и просьбы руководства Узбекистана²⁴ Центр заявлял об отсутствии валютных средств для закупки за границей менее токсичных препаратов, хотя весомая доля валюты поступала за счет экспорта узбекского и каракалпакского хлопка.

²¹ АЖК РК, ф. 1, оп. 60, д. 178, л. 30-33.

²² Каримов И. А. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса // Каримов И. А. По пути безопасности и стабильного развития. Ташкент: Узбекистон, 1998. Т. 6. С. 98.

²³ Пардаев Т. Р. Химизация сельского хозяйства Узбекистана в 60-е годы: состояние и проблемы: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. Ташкент, 1998. С. 20.

²⁴ ЦГА РУз, ф. 837, оп. 41, д. 1680, л. 77-78.

Немало проблем имелось в деле ирригации и мелиоративного строительства. Во многих хозяйствах Каракалпакстана обширные площади поливной пашни из-за их неправильного использования подвергались засолению, заболачиванию, что приводило к резкому снижению их продуктивности. В результате только за 1961-1965 гг. из сельскохозяйственного оборота выпало более 36 тыс. га орошаемых земель. Кроме того, в общем клине поливной площади имелось 112,9 тыс. га засоленных земель²⁵. Это означало, что Каракалпакстан более чем с половины земель не мог получать высокие урожаи.

Следует заметить, что с 1971 по 1985 г. производительность труда в хозяйствах Каракалпакстана снизилась на 11%, хотя производственные фонды сельхозназначения увеличились в 4,4 раза, тем не менее фондоотдача сократилась в 4 раза, а валовая продукция на один гектар орошаемой пашни – почти в 2 раза²⁶. К 1985 г. долги колхозов и совхозов государству достигли 1,5 млрд. руб., что в полтора раза превышали их ежегодный объем валовой продукции²⁷. Причины сложившейся ситуации отражали общие негативные тенденции в сельском хозяйстве, в условиях нарастающего кризиса советской системы хозяйствования. Их выражением явились волюнтаризм в управлении сельским хозяйством, засилье хлопковой монокультуры, ориентация на валовые показатели и др.

В погоне за процентами и валовыми показателями новые площади принимались и вводились в сельхозоборот зачастую с большими недоделками. Это приводило к недобору урожая и нередко к выпадению введенных с недоделками земель из сельскохозяйственного оборота. Только с 1971 по 1984 г. в колхозах и совхозах системы Министерства сельского хозяйства Каракалпакстана выпало из сельхозоборота более 9 тыс. га орошаемых земель²⁸.

Засилье хлопковой монокультуры обусловило усиление таких негативных явлений, как вынужденный обман, приписки и очковтирательство. К примеру, в 1968 г. в ходе инструментального обмера общей посевной площади Каракалпакстана было выявлено 8,5 тыс. га скрытых посевов хлопчатника. Нередко руководители хозяйств, чтобы приукрасить качественные показатели своей деятельности, хлопка сеяли больше, а в отчетности показывали меньше. И наоборот, люцерны, овощных

²⁵ АЖК РК, ф. 1, оп. 18, д. 229, л. 52.

²⁶ Там же, оп. 53, д. 36, л. 5.

²⁷ Там же, л. 82.; оп. 45, д. 159, л. 8.

²⁸ Там же, оп. 48, д. 1, л. 36.

и кормовых культур засеивали меньше, а в отчетных документах фигурировали завышенные показатели. Это не только наносило серьезный ущерб нравственному здоровью хлопкоробов, но и сказывалось на характере развития целых отраслей сельского хозяйства, отражалось на продовольственном обеспечении населения республики²⁹.

Конечно, предпринятые меры способствовали отдельным позитивным сдвигам. Но в целом наблюдалась кризисная ситуация. К примеру, валовая продукция сельского хозяйства Каракалпакии (в сопоставимых ценах 1983 г.) упала с 626,5 млн. руб. в 1980 г. до 595,8 млн. руб. в 1985 г.³⁰ В 1985 г. план по валовой продукции аграрного сектора Каракалпакии был выполнен только на 83,1%³¹.

Негативные проявления в общих параметрах каракалпакского аграрного производства находили зеркальное отражение в хлопковом комплексе. Так, если в 1976-1980 гг. валовой сбор хлопка-сырца (в среднем за год) равнялся 391,0 тыс. т, то в 1981-1985 гг. – 352,4 тыс. т, а урожайность хлопчатника составляла соответственно 30,1 и 27,5 ц/га³².

Особенно зримо недуги сельскохозяйственной и ирригационной политики Центра в регионе сфокусировались в трагедии Арала. Вследствие ориентации на экстенсивные методы освоения новых земель, безудержного расширения хлопковых угодий в Узбекистане и Каракалпакии высыхание Аральского моря превратило в пустыню 2,6 млн. га осушенного дна. С этой территории ветром разносились 90-100 млн. т ядовитой соленой пыли, отравляющей землю и воздух на сотни километров. Как показали проведенные тогда исследования по розе ветров и наблюдения из космоса, соленая пыль с осушенных побережий стала выноситься ветром, в основном, в Южное Приаралье, представлявшее зону интенсивного земледелия Каракалпакии³³. В результате в 1989 г. из 485,1 тыс. га орошаемых земель республики 376,9 тыс. га были засоленными³⁴. В целом опустынивание и засоление низовьев Амударьи привели к тому, что к середине 1980-х годов Каракалпакии был нанесен экономический ущерб в размере более 80 млн. руб.³⁵

²⁹ АЖК РК, ф. 1, оп. 16, д. 4, л. 259, 260.

³⁰ Там же, оп. 58, д. 211, л. 32.

³¹ Экономическое и социальное развитие Каракалпакской АССР за 1981-1986 гг. Ташкент, 1988. С. 14.

³² АЖК РК, ф. 1, оп. 58, д. 211, л. 47-48.

³³ Там же, оп. 45, д. 159, л. 62.

³⁴ Глазовский Н. Ф. Аральский кризис, причины возникновения и пути выхода. М.: Наука. 1990. С. 36.

³⁵ АЖК РК, ф. 1, оп. 45, д. 159, л. 62.

Таким образом, в исследуемый период хлопковая политика советской власти была направлена на утверждение в сельском хозяйстве хлопковой монокультуры путем создания на селе крупного коллективизированного производства индустриального типа, на предельное огосударствление системы землепользования, отчуждающего сельских тружеников от земли и иных средств производства. Сохранялось также централизованное планирование, гарантирующее возрастающую «выкачку» хлопка для нужд центральных регионов страны. Тяжелыми последствиями сопровождалось выполнение программы тотальной химизации сельского хозяйства. Существенными просчетами страдала политика масштабной ирригации и мелиорации земель. Оставалась неизменной и недооценка человеческого фактора. Все это в совокупности способствовало нарастанию кризисных явлений в экономике и резкому ухудшению экологической обстановки в Каракалпакии.

М. Саробаев

**Совет хукуматининг 1965-1985 йилларда
Қорақалпоғистондаги пахта сиёсати**

Мақолада совет хукуматининг 1965-1985 йилларда Қорақалпоғистонда олиб борган пахта сиёсати архив ҳужжатлари асосида ёритилган. Шунингдек, марказ томонидан пахта яккаҳоқимлигини ўрнатилганга қаратилган сиёсатнинг Қорақалпоғистон кишлоқ хўжалигига етказган салбий таъсири таҳлил қилинган.

M. Saribaev

**The cotton policy of Soviet Rule
of Karakalpakia in 1965-1985**

The article deals with archive materials based on cotton policy of Soviet Rule in 1965-1985. There is also analyzed the policy of centre directed on statement of cotton monoculture led to negative consequence in agriculture of Karakalpakia.

Д. Гуламова

ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИЕ И НАЦИОНАЛЬНЫЕ ЦЕННОСТИ: СИМБИОЗ ИЛИ ИСКЛЮЧИТЕЛЬНОСТЬ?

Сегодня анализ ценностей широко используется при изучении истории культуры, науки, общественного сознания, личности. Термин «ценности» обычно используется для указания на «социальное и культурное значение определенных объектов и явлений, их смыслового основания»¹. В силу того, что нравственные ценности непосредственно «не даны» и их трудно представить, они воплощаются и реализуются через нормы, т. е. через требования определенного поведения, основанные на принятых в обществе представлениях о добре и зле. Мы использовали понятие «ценностная ориентация» в значении оценок, даваемых отдельными людьми кому-либо или чему-либо, так как эти оценки, перерастая в принципы взаимоотношений в обществе, формируют его нравственность.

Если обратиться к историческим предпосылкам, то видно, что на протяжении длительного времени ценностные системы всякий раз выстраивались в зависимости от того, как каждая эпоха и каждый этнос выражали и продолжают выражать себя в иерархии социально допустимых ценностей. Общие для всех ценности стали образовывать ценностные ориентации как приоритеты социокультурного развития этносов или личности, закрепленные социальной практикой или жизненным опытом человека. На уровне личности выделяют ценностные ориентации семьи, образования, труда, общественной деятельности и других сфер самоутверждения человека.

Среди общечеловеческих ценностей особое место занимают нравственные, традиционно представляющие взаимосвязь этнонационального и индивидуального. Интерес к изучению нравственности существовал во все периоды истории человечества, так как для поддержания моральных норм в обществе необходимо было вовремя реагировать на любые проявления их ослабления. Как подчеркивалось в трудах мыслителей Востока, живших в различные периоды отечественной истории²,

¹ Киссель М. А. Ценностей теория. Большая Российская энциклопедия. Изд. 1969-1978 гг., 2001. Russ Portal Company Ltd. (электронная версия).

² Фитрат А. Рассказы индийского путешественника. (Бухара как она есть) / Пер. с персидского Кондратьева А. Н. Под ред. проф. Алимовой Д. А. Ташкент, 2007; Религия и молодежь в современных мусульманских обществах. Вводная статья // Материалы научно-практической конференции, проведенной Республиканским научно-практическим центром Имама Бухари и Фондом им. Ф. Эберта. Ташкент: Ўзбекистон, 2006. 12-13 сентября; Аль Бухори. Хадисы. Т. 7; Навои Алишер. Хамса. Ташкент, 1960 и др.

мораль материализуется в поступках, становясь зримой и обнаруживая свою действительность через отношение к другим людям.

Среди них здесь особо выделяли справедливость как одно из основных понятий нравственного сознания и основу социальной и нравственной жизни людей, во всей полноте отражающую социально-этический идеал «добродетельного общества». Понятие «добра» всегда представляло собой специфический ценностный ориентир, призванный направлять активность человека на внимание к другим людям, заботу о них; добро в таком понимании – определённый стандарт и идеал взаимоотношений между людьми. Поэтому одной из центральных проблем воспитания молодого поколения здесь всегда была именно проблема выбора между добром и злом, в которой отражается специфический и наиболее сложный аспект человеческой деятельности. Процесс воспитания понимался как обучение ребенка воспринимать все то хорошее, что способствует формированию его положительных нравственных качеств, где важнейшим условием «является не следование чувственным влечениям, а подчинение чувств законам разума»³. Счастье, как и совершенство, к которому стремится человек, не принято было считать даром и достигалось активными, духовными и физическими действиями человека. Представители средневекового суфизма также считали, что истинно благородный человек сострадателен и, определяя духовность как творческую силу человека, как присущую ему потребность в самосовершенствовании, в преодолении интеллектуальных и физических пределов, поставленных ему природой, призывали людей к активности духа, чтобы преобразовать свою природу⁴.

Новое видение общности мировых религий сложилось в середине XX в. в парадигме ненасилия, занявшей особое место в системе общечеловеческих ценностей, основанной духовным лидером Индии прошлого века Махатма Ганди и отношении к которой стало сегодня показателем уровня нравственного развития человека и общества. По его мнению, только духовное совершенствование может помочь как можно большему числу людей осознать необходимость ненасилия, и только это осознание может положить конец насилию над природой, войнам и конфликтам между народами. Махатма Ганди отмечал, что «религиозная практика и догмы могут различаться, но этические принципы у всех религий – общие»⁵. Именно они воспитывают убеждения и отражают целостную

³ Там же.

⁴ Аль-Фараби. Философские трактаты. Алма-Ата, 1970. С. 34.

⁵ The Moral and Political Writings of Mahatma Gandhi. V. 1. Civilization, Politics and Religion. Oxford, 1986. P. 187.

систему воззрений людей на социальную жизнь, содержащую в себе то или иное понимание сущности общества⁶, самоидентификацию человека, где однозначно признан приоритет общечеловеческих ценностей над национальными.

Однако, помимо религиозных, в национальных ценностях многих народов, в частности, узбекского, изначально было много общего с общечеловеческими ценностями. Принимая во внимание тот факт, что национальные ценности узбекского народа формировались в течение длительного периода под влиянием конкретных исторических условий⁷, в том числе и после принятия ислама (обретающего свою специфику в каждом этносе)⁸, взаимодействие общечеловеческих и национальных ценностей можно рассматривать не последовательно как уровни, а в сочетании или симбиозе.

В повседневной жизни, быту религиозные и национальные традиции и обряды настолько перемешались, что не только молодежь, но и взрослые люди испытывают затруднения в их правильном определении⁹. То же произошло сегодня и с понятием «ценности», а так как основная часть общечеловеческих ценностей зафиксирована в религиозных учениях, то логично предположить, что они имеют много общего с национальными ценностями, по крайней мере, тех народов, которые исповедуют одну из основных мировых религий.

⁶ Ганди считал, что государство должно защищать равно интересы всех своих граждан, независимо от их социального статуса, религиозной, кастовой, этнической принадлежности; а избежать мировой катастрофы можно только в том случае, если отношения между народами будут строиться на принципах ненасилия, и призывал к разоружению мировых держав как к первому шагу по пути ненасилия в разгар холодной войны, доказывая, что к насилию нельзя прибегать даже во имя самых высоких идеалов.

⁷ См.: Якубовский А. Ю. К вопросу об этногенезе узбекского народа. Ташкент, 1941; Ахмедов Б. Ўзбекларнинг келиб чикиш тарихидан. Тошкент, 1962; Ахмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Тошкент, 1995; Шаниязов К. Ш., Исмаилов Х. И. Этнографические очерки материальной культуры узбеков конца XIX – начала XX в. Ташкент: Фап, 1981; Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Тошкент, 2001; Жабборов И. Ўзбеклар анъанавий турмуши ва маданияти. Тошкент, 2004; Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Тошкент, 2001.

⁸ Алимова Д. А. Всликое прошлое определяет великое будущее: история и современность. Ташкент, 1999 // Ўзбекистон Республикаси байналминал маданият маркази. 162-166-бетлар // Миллатлараро ҳамжихатлик-барқарорлик омили.

⁹ Из материалов полевых исследований автора. См.: Исследование Центра Ижтимоий фикр «Общественное мнение – 2002». Комплексный опрос 20.12.2002 – 10.01.2003 гг. Опрошено 2475 чел. из всех областей республики, Республики Каракалпакстан и г. Ташкента.

Система национальных ценностей народов Востока на протяжении веков вплоть до начала XX в. развивалась в рамках норм традиционного общества. Подвергаясь серьезным трансформациям, часть системы ценностей была утрачена или преобразована в новом виде, но многие традиции, обряды и другие элементы традиционной ценностной системы народов сохранились на протяжении всего прошлого столетия¹⁰. В узбекистанском обществе издавна сложилась своя система ценностей, мировоззренческие ориентации и нормы поведения людей. Эта нормативная сфера – своеобразное ядро традиционной бытовой культуры, в основе которой лежат традиционные для узбеков мировоззренческие понятия, выработанные не одним поколением людей. Например, такая черта, как гостеприимство, формировалась под воздействием конкретно-исторических условий – проживания на пути следования караванного Великого шелкового пути и связанного с этим развития сервисного обслуживания путников¹¹.

Ставшие характерными чертами узбекского народа такие ценности, как миролюбие и поиск компромисса в решении спорных вопросов, формировались благодаря географическому расположению страны. Узбеки исторически обладали достаточно обширными, плодородными землями и не нуждались в развитии таких черт, как категоричность и выраженное честолюбие (необходимые качества в ситуациях повышенной конфликтности, например, в неблагоприятных для сельского хозяйства зонах): в этом просто не было необходимости¹².

Развитие некоторых характерных черт узбеков на личностном уровне, в частности немногословности, дисциплинированности, трудолюбия, а также добросовестности, дающих представление об этнических поведенческих нормах, объяснимо воздействием резко континентального климата на весь цикл земледельческих работ, основного источника существования узбеков. Сезонные и суточные резкие перепады температуры требовали выработки определенных характерных качеств для слаженного совместного выполнения сельскохозяйственных работ и сохранения полученного урожая.

¹⁰ Қаранг: Бекмуродов М. Б., Бегматов А. Миллий менталитет ва раҳбар маънавияти. Тошкент, 2003; Бекмуродов М. Б. Ўзбек менталитети хусусиятлари // Ижтимоий фикр. 1998. № 1. 49-53-бетлар; Бекмуродов М. Б. Ўзбек менталитети: кеча ва бугун // Тафаккур. 2002. № 2. 10-15-бетлар.

¹¹ Из выступления М. К. Хаджимухамедова. Материалы Круглого стола // Ижтимоий фикр. 2003, сентябрь.

¹² См.: Абдурахманов Н. И. Логика и проблема принятия решений. Методическое пособие. Ташкент: ТашГУ, 1986.

Исходя из того, что люди, принадлежащие к разным расовым группам, демонстрируют разные поведенческие нормы, реакции и темперамент, сложившаяся под их влиянием система ценностей во многом определяет дальнейшее развитие каждого социума. Иначе говоря, в основе национального характера большинства народов, в том числе и узбеков, лежат их же социальные ценности¹³.

Например, катализатором национальных ценностей в узбекском обществе являются общинные институты – махалли, которые посредством семьи передают человеку ценности нации. На протяжении веков жизнь узбека была строго регламентирована и заранее расписана поэтапно, а прохождение каждого из жизненных этапов было теснейшим образом связано с «опытом, моральной и материальной поддержкой общины и вне которых восточный человек не мыслит себя»¹⁴. Они откладывают отпечаток на его ценностные ориентации и весь образ жизни. Отсюда – проявление высокой ценностной ориентации, выявленной в социологических опросах у современной молодежи Узбекистана, на семейно-родственные сообщества и общину в целом¹⁵.

Издравле у узбеков переход от одного жизненного этапа к другому не являлся событием лишь отдельной семьи: в обрядах и ритуалах были задействованы все. Ценностные ориентации восточного социума исходят из того, что на первое место ставятся общинные или общественные интересы, интересы семьи, а не отдельного человека. Человек восточного общества не мыслит себя вне коллектива, поэтому в обществе так бережно передаются из поколения в поколение традиции, обряды и обычаи. Особенно значимы они для молодежи, так как не только способствуют утверждению социального статуса в обществе и выбору жизненных ориентиров, но и дают возможность удовлетворять свои потребности в духовно этической культуре.

Данные социологических опросов показывают, что, по мнению молодежи, нравственные ценности, общечеловеческие или национальные, оказывают большее влияние на их поведение и т. д. По сравнительным результатам нескольких исследований просматривается заметное влияние семьи на ряд принимаемых жизненных планов и решений молоде-

¹³ Грушевицкая Т. Г., Попков В. Д., Садохин А. П. Основы межкультурной коммуникации. М.: Юнити, 2002. С. 292.

¹⁴ Орифимова З. Х. Тошкент махаллалари. Тошкент: Янги аср авлоди, 2005.

¹⁵ В социологическом опросе более половины молодых людей прямо указывают на то, что в реализации своих жизненных целей они полагаются в основном на помощь семьи и родственников. См.: Управление, ценности и образ жизни молодежи в странах Центральной Азии. Узбекистан. Ташкент, 2001. Т. 1. – 319 с.

жи, причем, признавая роль семьи как главного хранителя нравственных традиционных устоев, в то же время свое отношение к самому вопросу о заключении брака молодежь позиционирует как неоднозначное¹⁶.

Наиболее значимой здесь оказалась помощь семьи в принятии решений, представляющем затруднение для узбекской молодежи. Это связано с установками в системе традиционного воспитания, когда младшее поколение должно подчиняться решению старшего, иногда испытывая при этом свое скрытое несогласие («классический» конформизм), и где десятая часть респондентов настроена весьма пессимистически, считая, что от них мало зависит их собственное будущее. Все чаще встречаются и проявления открытого несогласия, характерного больше для европеизированной молодежи. Здесь может быть несколько объяснений, начиная от конфликта между ценностями традиционной системы и индивидуальными ценностями нового поколения, социальной апатии и индивиденческих настроений и до прагматичного расчета. В современных исследованиях социальной активности молодежи показано, что традиционные ценности (почитание и уважение мнения старших) начинают вступать в противоречие с требованиями новых экономических и социальных реалий, где молодежь должна с каждым днем брать все большую ответственность не только за себя, но и за других¹⁷.

Как отмечалось, проявления стереотипов традиционного поведения теснейшим образом связаны и с религиозными формами сознания. Подавляющая часть морально-нравственных традиций и понятий в нашем обществе закреплена исламом или считается таковым, т. е. исламским. Религия, представляющая собой один из важных социальных институтов общества, образует достаточно строгую систему социальных норм, установок, обычаев, предписаний, стандартов поведения как отдельно взятого человека, так и общины в целом. Вместе с тем религиозная вера, прежде всего, формирует внутренний духовный мир человека, особенно молодого, его нравственные и моральные ценности и идеалы. На протяжении всей предшествующей истории Узбекистана отношение к религии и к вере человека неоднократно подвергалось испытаниям: от полного отрицания до религиозного фанатизма, в обоих случаях лишавших людей возможности разумного осмысления веры в жизни человека и общества. Эти противоречия являются еще одной немаловажной проблемой сегодняшнего дня.

¹⁶ См. главу 2.

¹⁷ См.: Кадырова З. Проблемы повышения социальной активности молодежи Узбекистана в условиях всестороннего реформирования общества. Ташкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1999. – 185 с.

Региональный опрос¹⁸ выявил, что религиозная вера занимает важное место в молодежном сознании. Большинство опрошенных молодых людей Узбекистана оказались верующими или относят себя к верующим, в то же время в их сознании зафиксирована тенденция, когда религия все больше воспринимается не в качестве религиозной системы, а как естественная культурная среда или национальный образ жизни. Соблюдение молодежью религиозных традиций и обрядов можно рассматривать и как дань памяти предков, и как самоидентификацию со средой проживания.

В целом выявленная многоплановая общность общечеловеческих ценностей современного мира с национальными нравственными ценностями узбекского народа подтверждает предположение о симбиозе этих ценностей в восприятии молодежи. И сегодня, когда идет сближение общественного развития с различными этнокультурными установками, знание соотношения общечеловеческих и национальных нравственных ценностей может сыграть свою положительную роль, обозначая новые пути к диалогу между ними. Сегодняшняя молодежь Узбекистана должна осознавать, что следует обретать навыки ведения такого диалога в духе уважения, принимая такую же значимость традиций других культур, наравне со своими ценностями и культурой, не абсолютизируя их, но и, наоборот, не недооценивая их.

Д. Гуламова

Умуминсоний ва миллий қадриятлар: симбиоздами ёки яккахоликда?

Умуминсоний қадриятлар негизи асосий диний йўналишларнинг қадриятларига бориб тақалиши ҳамда ҳар бир диний удумларни амалга оширилишида миллий анъаналарнинг салмоғи борлиги, бошқа томондан конкрет тарихий ва географик жараёнлар асосида пайдо бўлган миллий қадриятлар тобора бир-бирларига яқинлашиб, ўзаро таъсир қилмоқда. Ўзбекистон ёшларининг бошқа миллат ва элатларни тушуна олиш имкони кўп жиҳатдан бу қадриятларни ўзлаштирганликларига боғлиқ бўлиб қолади.

¹⁸ См.: Управление, ценности и образ жизни молодежи в странах Центральной Азии. Узбекистан. Ташкент, 2001. Т. 1.

D. Gulamova

**National Values and the Values of All Mankind:
Symbiosis or Peculiarity of Singleness?**

Interinfluence of national values and the values common to the whole mankind is unambiguous in the context of the modern society of Uzbekistan. The question is: whether they represent symbiosis or peculiarity of singleness in perceptions of the younger generation. From the point of view of perceiving and adoption of the human values and recognizing their commonness with the national ones, the youth should take into account this fact during the equal dialogue with the representatives of other cultures.

Тарихишунослик, манба ва талқин

А. Отаҳўжаев

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДА СУҒД ВА ХОРАЗМ

Асрлар давомида шаклланган тарихий-маданий ўлкалар (Бактрия-Тохаристон, Суғд, Уструшона, Чоч-Илок, Фарғона ва Хоразм) яхлит цивилизация сифатида қаралиши билан бирга, ҳар бири бетакрор кўришни ҳам касб этган. Бу ўлкалар тарихи ва маданиятини ўрганишда улар бошидан кечирган тараққиёт босқичларини қиёслаб тадқиқ этиш самара бериши шубҳасиз. Қадимги Хоразм ва Суғд Амударё ва Сирдарё ҳавзаси Туронзамин ёки Марказий Осиё халқлари цивилизациясида азалдан алоҳида ўзига хосликка эга бўлган тараққиёт босқичларини бошидан кечирган тарихий-маданий маконлар ҳисобланади. Лекин, бу икки ўлканинг маънавий ва руҳий муштараклигидаги биринчи асос – қадимдан уларнинг зардуштийлик анъанасига тегишли эканлигидадир¹. Мил. авв. биринчи минг йилликка оид «Авесто» тили муқаддас зардуштийлик диний матнлари тили бўлиб, ҳатто, қадимги эроний тилдан ҳам архаик ҳисобланган². Эҳтимолки, бу тилни Туронзамин аҳолисининг илк – энг қадимий ҳам ёзма, ҳам мулоқот тили бўлган дейиш мумкин бўлар. Бу даврга мансуб бўлган Марказий Осиё худудидаги барча этник гуруҳлар ўз шаклланиш ва тараққиётининг дастлабки босқичидан шу заминнинг туб автохтон маданиятини яратишда баробар иштирок этганлар дейишга ҳақлимиз. Бу цивилизация тараққиёт айнан, Авестодаги зардуштийлик диний матнлари мазмуни орқали давлат ва жамиятнинг «дин-афсона-фан-ҳуқуқ»³ узвийлигини таъминлаган. Бу эса минтақада юксак салоҳият ва савиядаги аҳоли яшаганлигини, уларнинг олам, коинот, одам, ахлоқ ҳақидаги тасаввурлари анча кенг, илғор фикрлаш доиралари «инсонпарварлик» ғояларига қурилганлигини кўрсатади.

Зардуштийлик таълимоти ва «Авесто» яратилган юрт борасида олимлар орасида ҳамон яқдил фикр мавжуд эмас. Қолаверса, ҳам Хоразм, ҳам Суғднинг тенг тараққиёти эса (бу ўринда Бактрияни ҳам ёдда тутмоқ ке-

¹ Бартольд В. В. Статьи из «Энциклопедии ислама». М.: Наука, 1965. Т. III. С. 487.

² Соколов С. Н. Язык Авесты / Основы иранского языкознания: Древнеиранские языки. М.: Наука, 1979. С. 129-134.

³ Ўша асар. 129-бет.

рак) уларнинг «зардуштийлик ватани» масаласига асосли равишда даъвогар эканлигини кўрсатади. Буни яна икки ўлкадаги тараққиётларнинг тенгдошлиги билан ҳам баҳолаш мумкин. Мазкур иккала тарихий-маданий маконларда рўй берган сиёсий, иқтисодий ва айниқса, маданий жараёнларда улар орасидаги хусусиятлар, ўтроқ ва кўчманчи ҳаёт тарзининг синкретик ҳолати билан ҳам изоҳлаш мумкин. Шундан келиб чиқиб, баъзан уларни яхлит маданият вакилларига дахлдор деб қаровчилар ҳам бор. Кўплаб тадқиқотчилар «Авесто»да дастлаб яратилган Дайтия, яъни Амударё бўлса, унинг ҳавзаси Арьянам – вайчаҳ нафақат Хоразм, балки Суғд, Марғиёна, умуман, Туронзамин эканлигига ишора қилганлар (И. Маркварт, Э. Бенвенист, Х. Нюберг, В. И. Абаев, Ж. Дюшен-Гюйи-мен ва бошқалар)⁴. Баъзилар эса уларни бўлак-бўлак, ўзига хос кўринишдаги маконлар сифатида тадқиқ этадилар. Жумладан, «Авесто»нинг «Яшт» китобида Туронзаминнинг «Гава Суғди» ва «Хвайрезем» ўлкаларига берилган таъриф ва тасвир мисол бўлади. Бироқ, бу жиҳатлар бир-бирини рад этмайди, айнан бир-бирини тўлдиради ва бойитади. Улар жойлашган географик ўрин ҳам эътиборни тортади. Бу икки ўлкани боғлаб турган дарё Дайтия (Амударё) эканлигини назарда тутсак, бепоён чўл (Қизилқум) қайсидир маънода уларни ажратиб туради. Бу табиий манзаранинг бир томонида Суғд, иккинчи томонида Хоразм жойлашганлигини эътиборга олсак, бу ёндош маконларнинг тенгма-тенг ва айни чоғда ўзига хос ҳамда муштарак тараққиёти қирраларидан бохабар бўламиз.

Бу каби цивилизацион ривожнинг энг муҳим боғловчи омиллардан бири зардуштийлик динидир. Унинг доирасида Хоразм ва Суғддаги кабила ва элатларнинг исломгача бўлган даврида ҳам бир-бирига яқин урф-одат ва анъаналари бўлган. Бу ҳақда Беруний «Қонуни Масъудий» асарида қуйидаги маълумотни беради: «Мовароуннаҳрдаги Суғд ва Хоразм маъжусийларининг ўз ойларида (йўқланадиган) кунлари, байрамлари ва бозорлари бор»⁵. Зардуштийлик таълимоти асосида шаклланган суғдийлар ва хоразмийлар одатларидаги бу яқинлик яна бир бор юқоридаги фикримизни тасдиқ этади. «Авесто» ва зардуштийлик таълимоти асосида бутун Туронзаминдаги халқлар ва элатлар ўзларининг асрий тажрибаларига суяниб, илм-фан соҳасида муайян ютуқларни қўлга киритганлар. Айниқса, астрономия фани соҳасидаги ютуқлар ҳайратомуздир. Муғ архиви суғд ҳужжатларини илк бор илмий

⁴ Гафуров Б. Г. Таджики. Кн. 1. Душанбе: Ирфон. 1989. С. 62.

⁵ Абу Райхон Беруний. Қонуни Масъудий. Танланган асарлар. 5-том. 1-к. А. Расулов тарж. Тошкент: Фан, 1973. 213-бет.

тадқиқ қилган олим А. А. Фрейман суғд календарига кун, ҳафта ва ой номларини Берунийнинг «Осор ул-боқия...» асари орқали таҳлил қилиб, ҳужжатлардаги суғдий номларнинг хоразмий ва бошқа тиллардаги киёсини келтиради. Жумладан, у Суғд ва Хоразмда деярли бир хил куёш календаридан фойдаланганликларини таъкидлайди. Унга кўра йил 12 ойдан, ҳар бир ой 30 кундан иборат эканлигини, ҳар бир куннинг ўз номи борлигини ҳам суғд ҳужжатлари, ҳам Беруний келтирган маълумотлар асосида бирма-бир санаб ўтади. Йилнинг охирида етишмаган сўнгги беш кунлиги зардуштийлар анъанасига кўра «Наврўз олди байрам кунлари» эканлиги кўрсатилади. Бу кунларнинг вақти ва номланиши Суғд ва Хоразмда айнан бир хил эканлиги кузатилади. Масалан, ойнинг 1-куни «Ахурамаздага бағишланган кун» бўлиб, суғд ҳужжатларида «хурмузруч», Беруний бўйича суғдий «хурмижд», хоразмий «римижд» шаклида; 2-кун «эзгу фикр илоҳи Ваҳхаве Манахе куни» ҳужжатларда «ахуминруч», Берунийда суғдий – «жаҳинар (жаҳиз)» ва хоразмий – «ажмин» шаклларида; 8-кун «яратувчи – Датишо илоҳи куни» ҳужжатларда «датс», Берунийда суғдий «даст», хоразмий «дазу»; 30-кун «ёруғлик илоҳи – Анаҳраранам раочаҳам», ҳужжатларда «анғарруч», Берунийда суғдий «нағр», хоразмий «ўнарғ» шаклларида ҳамма кунларнинг номлари келтирилади.⁶ Ўлкалар аҳолиси гарчи, чўл минтақалар билан ёндош бўлса-да, суғорма деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо маданияти ривожини учун юксак саводхонликка эга бўлган воҳалар сифатида ўрин тутди.

Хоразм ва Суғд тараққиётида аҳамонийлар даврининг (мил. авв. VI – IV асрлар) ўзига хос ўрни бор. Маълумки, Парфия қаторида Хоразм ва Суғд ўлкалари ҳам салтанатнинг XVI сатраплигини ташкил қилиб, 300 талант⁷ миқдорида ўлпон тўлаб турган⁸.

Суғд ва Хоразмнинг антик давридаги ўрни ўша давр илмий адабиётида ҳам кенг ёритилган. Жумладан, Геродот «аҳамонийларга қарам Бақтрия, Гиркания, Каспий, Суғд, сак, хорасмийлар ва арийлар» ҳақида сўз юритиб уларнинг яшаш жойларини аниқ кўрсатган.⁹ Арриан ўзининг «Александрнинг юриши» асарида суғдийларнинг Спитамен бошчилигидаги юнонларга қаршилигини баён қилиш билан бир қаторда Хоразм шоҳи Фарасманнинг Александр билан музокара олиб бориб, ўз юрти

⁶ Фрейман А. А. Описание, публикации и исследование документов с горы Муг: СДГМ 1. М.: ИВЛ, 1962. С. 27-36

⁷ Талант – тахминан 30 кг кумуш.

⁸ Гафуров Б. Г. Таджики. С. 94.

⁹ Бойназаров Ф. Ўрта Осиёнинг антик даври. Тошкент, 1991. 35-бет.

мустақиллигини сақлаб қолганлиги фактини келтиради.¹⁰ Курций Руф «Хорасм шоҳи Фротофорн бўлганлиги у массагет ва дак қабилаларини ҳам бирлаштирганлигини маълум қилади.¹¹ Гекатейнинг Хорасм географияси тўғрисидаги маълумотига кўра, Хорасмия Гиркания (Каспий) дан шарқда жойлашган бўлиб, ўлка шаҳарлари текислик ва тоғларни(?) эгаллаган. Унинг бу маълумотидан фойдаланган Арриан «Каспий бўйидаги парфийлар, хорасмийлар ва гирканлар» ҳақида маълумотлар қолдирган.¹² Антик давр муаллифларининг Суғд, Бактрия ва Гиркания ҳақида батафсил тўхталиши сабаби бу ҳудудларда Александр Македонский ва унинг салафлари бевосита ўз ҳарбий ҳаракатларини олиб борганлиги билан изоҳланади. Хорасм эса айнаи даврда юқоридаги сабаб билан мустақиллигини сақлаб қолиш эвазига бу тарихий ва ҳарбий жараёнлардан четда қолган. Антик муаллифларнинг бу ўлка тўғрисида ортиқча маълумотлар тўплашга имконлари бўлмаган.

XX асрнинг биринчи ярмидаги тадқиқотчилар, жумладан, А. Н. Бернштам қадимги ва илк ўрта асрлар Ўрта Осиё тарихини даврлаштирар экан ахамонийлар давридаги маданий тараққиётнинг дастлабки икки босқичини қуйидагича: биринчиси мил. авв. VII-IV асрларни «сак-скиф даври» ва иккинчиси мил. авв. IV-III асрларни «сак-хорасм даври» деб белгилайди.¹³ Қолаверса, ахамонийлар салтанатида айнан шу даврда зардуштийлик етакчи дин сифатидаги мақоми кўзга ташланади. Ахамонийлар томонидан ўртаосиёликлардан ўзлаштирилган бу дин салтанат хусусиятларига мослаштирилган. Тадқиқотчилар фикрича, ахамонийлар, яъни форслар зардуштийликнинг бош илоҳи Ахурамаздани тан олган ҳолда ушбу диннинг пайғамбари Зардуштни ва муқаддас китоби Авестони тан олмаганлар. Чунки ўша давр қадимги эроний битикларининг бирортасида Зардушт ва Авесто зикр этилмаган. Шундан хулоса қилиш мумкинки, зардуштийлик Парфиёний ва Сосоний подшоликлар давридагина давлат дини мақомига эришган. Ахамонийларда эса бошқа йўналишда, яъни маздакийлик – Ахурамаздани тан олиш йўналишида ривожланган.¹⁴ Суғд ва Хорасмда эса зардуштийликнинг ибтидоий, азалий ҳамда қадимий илдизлари асосидаги тараққиёти давом этган.

¹⁰ Ўша асар. 100-103-бетлар.

¹¹ Ўша асар. 466-бет.

¹² Пьянков И. В. Средняя Азия в античной географической традиции. М.: ИВЛ, 1997. С. 197.

¹³ Бернштам А. Н. Среднеазиатская древность и ее изучение за 30 лет //ВДИ. 1947. № 3. С. 91.

¹⁴ Редер Д. Г., Черкасова Е. А. История древнего мира. Ч. 1. М., 1979. С. 248.

Бундан ташқари ахамонийлар даврида цивилизацион таракқиётнинг муҳим белгиси ёзув маданияти шаклланди. Бутун салтанатда марказий ҳокимият маъмурий бошқаруви ва маҳкамачилиги таъсирида давлат ишларини юритишда анънавий бўлган оромий ёзуви қўлланила бошланди. Бунинг учун форслар кўп белгили миххатлардан воз кечиб, Яқин Шарқ халқларининг оромий ёзувини ўзлаштирганлар.¹⁵ Дастлабки оромий ёзувини фақат девонхонанинг махсус ходимлари билишган бўлса, кейинчалик уни ҳаётий заруратдан келиб чикиб савдо-сотик, ҳисоб-китоб, рўйхатлар тузиш, мактублар ёзиш каби эҳтиёжлар асосида мил. ав. IV-III асрларда хоразмликлар ва суғдийларнинг маҳаллий алифболари шаклланди. Бу ёзув амалий жиҳатдан минтақа халқларининг маънавий маданиятидаги юксак даражадаги ютуқлардан бири бўлиб қолди. Туронзаминнинг туб халқлари бактрийлар, суғдийлар, парфиёнлар, хоразмликлар, фарғоналиклар ва туркийлар оромий ёзуви негизида ўз ёзув тизимига эга бўлиб қолдилар¹⁶. Барча ёзувлар такомиллашиб, то VIII (хоразм ёзуви) – XII (суғд ёзуви) асрларга қадар қўлланилди. Тарихий фонетик белгисига кўра қадимги хоразмий тил бир томондан суғдий ва осетин тиллари, иккинчи томондан хўтан-сак, шуғнон-рушон тиллари гуруҳига яқин жиҳатларга эга бўлган. Шу сабаб X асрда қадимги хоразмий тилни ифодалаш учун Маҳмуд аз-Замаҳшарий араб ёзувиغا 5 та қўшимча ҳарф қўшган ва шу алифбода «Муқаддамат ул-адаб» асарини яратган. Хоразмий тил асоси яна XIII асрда аз-Зоҳидийнинг «Кунъат ул-мунъа» асарида ҳамда ал-Имодий асарларида тадқиқ этилган.¹⁷ Ёзув маданияти араблар истилосигача аҳолининг асосий қисмини хат-саводли бўлишида, диний таълимотни яратишда, илмий-маърифий асарларни ёзишда муҳим аҳамият касб этган. Бу ёзувларда яратилган диний, дунёвий, бадий айниқса, илмий асарлар араб истилочилари томонидан йўқ қилинганлиги минтақа цивилизацияси учун жуда катта талафот келтирган. Айниқса, Хоразмнинг маданий ва маънавий мероси қайта тикланмас даражада зарар кўрган. Бирок, шу юрт халқларининг илм-фанга бўлган кучли интилиши, ақлий салоҳияти, юксак қобилияти ва асрлар давомида шаклланган теран томирлари кўп ўтмай, янги муҳитда ва тилда ўз иқтидорини қайта тиклади. Орадан ҳеч вақт ўтмай Хоразмшоҳларнинг учинчи ҳукмдори Маъмун ибн Маъмун Абул Аббос Ўрта Осиё, Шарқ мамлакатларининг бир қанча олим, шоир ва ёзувчиларини ўз атрофига тўплаб, пойтахт Гурганчда «Маъмун академияси» – «Дор ҳикма вал-ма-

¹⁵ Ўша асар. 247-бет.

¹⁶ Ртвеладзе Э. В., Лившиц В. А. Памятники древней письменности. Ташкент: Узбекистан, 1985. С. 3-4.

¹⁷ Лингвистический энциклопедический словарь. М., 1990. С. 573.

ориф» ёки «Мажлиси уламо» га асос солди. Шу академияда ўнлаб хоразмлик, хуросонлик ва мовароуннахрлик (жумладан, суғдлик) олимлар самарали ижод қилдилар. Бу олимлар тиббиёт, риёзиёт, фалакиёт, физика, кимё, ҳикмат каби фанлар ривожига катта ҳисса қўшиб, аввалги йўқотилганларни тўлдирдилар ва янгиларини яратиб, умумбашарий илм-фан тараққиётига муносиб ҳисса қўшдилар. Жумладан, хоразмлик Абу Райҳон Беруний, Абулхайр ибн Хаммор, Абу Харис ал-Хоразмий, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Абу Наср ибн Ироқ, Мансур ибн Али ва бухоролик-шарқий суғдлик Абу Али ибн Синоларнинг дунё илм фанига қўшган ҳиссаларининг ўзи беқиёсдир.

Қадимги Хоразм ва Суғд тилларини илмий жиҳатдан ўрганган олимлар яқдил бу икки тилни расмий равишда фанда қабул қилинган «ўрта эроний тилларнинг шарқий гуруҳи» га мансублигини эътироф этганлар¹⁸. Улар орасида диалектик яқинлик муаммоларини А. А. Фрейман юқорида таъкидлаганимиздек, Берунийнинг «Осор ул-боқия» асари билан суғд хужжатларида келтирилган ой, ҳафта ва кун номларини таҳлил қилиб, суғд ва хоразмликлар томонидан улар деярли бир хил номланиши мисолида таҳлил қилиб берди¹⁹. Тил, этник, диний, маънавий яқинлик, илм-фан, маданият ва санъатдаги бевоситалик нафақат Хоразм ва Суғднинг худудий яқинлигини, балки рухий яқинлигини ҳам англатади. Суғдий ва хоразмий тилларидаги яқинликни қўйидаги мисоллар орқали ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, суғдий «кинак» ва хоразмий «кинак» – «қилич» маъносида, суғдий «ағадзе» ва хоразмий «ағадзек» – «хоҳиш», суғдий «мин» ва хоразмий «мани» – «ўйламоқ», суғдий «вудз» ва хоразмий «вудз» – «хотин», суғдий «бум» ва хоразмий «бум» – «ер, олам» маъносида, суғдий «аис» ва хоразмий «ҳис» – «келмоқ», суғдий «пениш» ва хоразмий «банас» – «очмоқ», суғдий «хери» ва хоразмий «хари» – «ўтмоқ», суғдий «рхашан» ва хоразмий «рахан» – ёруғлик, суғдий «мағз» ва хоразмий «меғз» – «илик ва мағиз» каби яна ўнлаб атамалар орқали суғд ва хоразм тилларидаги «шевага хос» яқинликни исботлаш мумкин. Шу ўринда Мақдисийнинг «Амул ва Фароб аҳолисининг тили Хоразм тилига ўхшаш, лекин сўзларининг маъноси бухороликлар (шарқий суғдийлар) тилига яқин» деб, эътироф этганини таъкидлаш жоиздир.²⁰ Қолаверса, илк ўрта асрларда хоразмликлар тили суғд тилига яқин, аммо

¹⁸ Язык Авесты / Основы иранского языкознания: Древнеиранские языки. М.: Наука, 1979. С. 15-16.

¹⁹ Фрейман А. А. Согдийско-хорезмские диалектические отношения (опыт сравнительной характеристики) // Советское востоковедение, IV. М.; Л., 1947. С. 157-170; Согдийские документы с горы Муг. Вып. I. М.: ИВЛ, 1963. С. 27-46.

²⁰ Шониезов К. Ўзбек халқининг... 216-бет.

ўз ёзувига эга халқ бўлган. Икки халқ ўртасидаги маънавий кадриятлар сирасига XIII асрда Хоразмдаги Кубравия тариқатини ва XV-XVI асрда Мовароуннахр (жумладан, Суғд) даги накшбандия тариқатининг ислом оламида етакчи тариқатлар сифатидаги ўзига хос ўрни бўлганлиги Хоразм ва Суғднинг Ўрта Осиё цивилизациясидаги мустаҳкам ўрнидан далолат беради.

Суғд ва хоразмликларнинг этник мансублиги масаласи ҳам турли хил талқин – фаразларга эга. Бу борада асли хоразмлик бўлган Беруний қарашлари эътиборни тортади, унга кўра хоразмийлар ва суғдийларнинг аجدодлари фаркланади²¹. Аммо, бу масалага янада ойдинлик киритиш лозим. Бу ҳақда Беруний ёзади: «Энди хоразмликларга келсак улар йил аввалларини белгилашда ва ортиқча кунларни қаерга (қайси ойга) қўшишда суғдийларга эргашадилар»²². Бу икки ўлка халқлари тарихи ва тақдирини бир-биридан айри тушунмаслик кераклигига ишорадир. Милоддан аввалги II аср ўрталаридан Сирдарё этаклари ва Хоразм туркийларнинг Қанғ давлати тасарруфида бўлган ва айрим туркий тилли этносларнинг бу минтақаларга ўрнашиши жадаллашган. Кейинчалик Суғднинг катта қисми ва Хоразм Кушонлар салтанати таъсирига тушиб, этник жараёнларда туркий элементлар салмоғи ошди.²³ Мулоҳаза учун Берунийнинг бу масалага қарашларини ҳам холис баҳолаб, унинг фикрлари ўзи яшаган X-XI асрлар нуқтаи назари асосида қурилганлигини эътиборга олиш зарур. Агар асрлар давомида Хоразмнинг автохтон аҳолисининг шаклланишига четдан қилинган қисман таъсир асосан аҳамонийлар даврида кечган бўлса, Суғд автохтон аҳолиси эса кўпроқ шарқдан туркларнинг таъсирида бўлганлар. Қолаверса, туркий мухит Хоразмда Суғдга нисбатан кечроқ шаклланган, бироқ, бу гуруҳ воҳада бир қадар муқимроқ ўрнашган. Қолаверса, Беруний (X-XI асрлар) даврида маҳаллий аланларнинг туркийлашиш жараёни ҳам ниҳоясига етмаган эди. Уларнинг бир қисми хоразмий тилда, иккинчи (туркийлашган қисми) печенеглар – кипчоқлар тилида гаплашганлар. Шунинг учун ҳам Беруний аланларнинг тили хоразм ва бижанақлар тилидан ташкил топган, деб ёзган²⁴.

IX-X асрларда Хоразмга – Оролнинг жануби-ғарбига ҳозирги хоразм шеvasини шакллантирган ўғузлар келиб ўрнаша бошлаганлар²⁵. Шунини

²¹ ОИЯ: ДИЯ... С. 235.

²² Абу Райхон Б е р у н и й . Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1-том. А. Расулов тарж. Тошкент: Фан, 1966. 83-бет.

²³ Ш о н и ё з о в К. Ўзбек халқининг... 127-128-бетлар.

²⁴ Ўша асар. 218-бет.

²⁵ Ўша асар. 219-бет.

эътироф этиш керакки, хоразмликларнинг туркийлашуви, суғдликларга нисбатан анча жадал ва самарали кечган. Хоразм аҳолиси сўнгги асрларда деярли бир тилли мухит ҳосил қилган бўлса, Суғдда икки тилли: туркий ва суғдий тиллар муҳити қарор топди.

Хулоса қилиб айтганда, минтақанинг цивилизацион тараққиётида ўз ўрнига эга бўлган Суғд ва Хоразм тарихий-географик ўлкалари нафақат Марказий Осиё халқлари ҳаётида, балки тараққиётга юксак маданий мероси ва умумбашарий даражадаги илм-фани билан муносиб ҳисса қўшганлар. «Авесто»ни яратган даҳо халқ авлодлари кейинчалик янада юқорилаб, «Маъмун академияси» – «Дор ҳикма вал-маориф» га асос солди. Илм-фан, маданият ва санъатнинг маҳаллий илдизлари «Маъмун академияси» да ижод қилган алломалар томонидан ривожлантирилди ва умумбашарий илм-фан ютуқларининг бир қисми бўлиб қолди.

А. Атаходжаев

Согд и Хорезм в цивилизации Центральной Азии

В статье раскрывается роль Согда и Хорезма в цивилизованном развитии Центральной Азии. На основе привлечения исторических, лингвистических и этногенетических источников прослеживается в динамике развитие этих регионов, как основных центров духовно-культурного развития Центральной Азии.

А. Atakhodjaev

Sogd and Khorezm in the civilization of Central Asia

This article analyzed the development of civilization in historical-cultural regions of Central Asia such as Sogd and Khorezm. There is compared dynamic of develop on the base of historical, linguistic and ethno genetic sources. The conclusion is that these regions were important center of the spiritual-cultural development of Central Asia.

А. Муҳаммаджонов, Б. Маҳмудов

ҚОРАХОНИЙЛАР ДАВЛАТИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Ўтмишда Марказий Осиёда жуда кўп давлатлар юзага келган, тараққий этган ва вақти келиб, ўз ўрнини бошқа бир сулолага бўшатиб берган. Юртимиз тарихига доир ҳар бир давлатнинг юзага келиш жараёни сиёсий, ижтимоий-иқтисодий омиллар билан узвий боғлиқдир. Албатта, бунда умумий жиҳатлар билан бирга ҳар бир давлатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Афсуски, кўпгина тарихий асарларда давлатчилик тарихини ёритишда, давлатнинг шаклланиши ва юзага келиш жараёнини шунчаки бир шахс фаолияти билан ёки бирор-бир сиёсий воқеа-ҳодисаларга боғлиқ ҳолда изоҳлаб ўтишган.

Ваҳоланки, ҳар бир давлатнинг вужудга келиши, ривож ва таназзулига оид жараёнлар биринчи навбатда шу жамиятдаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий омиллар билан бевосита боғлиқ кечган. Шунинг учун давлатнинг тарихини ёритишда шу давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётини ҳам чуқурроқ ўрганиш зарур, деб ўйлаймиз.

Маълумки IX – XII асрлар Марказий Осиё, жумладан, Мовароуннахр тарихида туркий халқлар сулолаларининг ҳукмронлик мавқеи мустаҳкамланганлиги билан ажралиб туради. Улар ўз тарихлари давомида бир қанча мустақил марказлашган давлатларни ташкил этишди. Ана шундай давлатлардан бири бу Қорахонийлар давлатидир.

Қорахонийлар давлати тўғрисида шу даврга тааллуқли тарихий асарларнинг деярли барчасида сўз кетса-да, ушбу давлат қачон ва қайси этник асосда ташкил топганлиги ҳанузгача мунозарали масала бўлиб келмоқда.

Қорахонийлар давлати тўғрисида таниқли олим, академик К. Шониёзов ҳам ўз асарларида кенг тўхталиб ўтган. Шу билан бирга Қорахонийлар давлати Қарлук давлатининг давоми эканлиги, бу икки номдаги давлат аслида бир давлат бўлганлиги ва мазкур ҳоконлик қарлук қабиласи томонидан 840 йилда ташкил топганлиги тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини бериб ўтган¹. Умуман олганда, К. Шониёзов мазкур давлат тарихини ёритишда бутунлай янги фикрларни ўртага ташлади.

Қорахонийлар ҳукмронлик қила бошлаган давр тўғрисида мавжуд манба ва адабиётлардаги маълумотлар ўзаро қарама-қарши бўлиб, биз

¹ Шониёзов К. Ш. Қарлук давлати ва қарлуклар. Тошкент, Шарқ, 1999. 35-65-бетлар; Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Тошкент, Шарқ, 2001. 326-328-бетлар.

бунда уларнинг бир-бирини инкор этувчи зиддиятли жиҳатларни ҳам англашимиз мумкин.

Жумладан, К. Шониёзовнинг фикрича, Қарлук-Қорахонийлар давлатини 840 йилдан то 1212 йилгача, яъни тўрт аср мобайнида қарлук хоқонлари идора қилган².

Атоқли шарқшунос олим В. В. Бартольд Қорахонийлар давлати 940 йилда юзага келган, деб қайд этса³, айрим тарихий асарлар эса бу масалада X асрнинг 90-йиллари, яъни ундан ҳам кечроқ даврни кўрсатмоқда⁴.

Қорахонийлар давлатининг ташкил топган санасига оид бу маълумотлардан кўриниб турибдики, тадқиқотчилар ўртасида бу масалада ҳатто, бир-бирига яқинроқ фикрни ҳам учратмаймиз. Аксинча, уларнинг кўпчилиги, шу жумладан, О. Прицак ва К. Шониёзовлар давлатга асос солинган йил, деб 840 йилни белгилашса, бошқа тадқиқотчилар гуруҳи В. В. Бартольд, О. Қорасев ва бошқалар эса бу давлатни 940 йил ташкил топган, деб ҳисоблашади.

Улар ўртасидаги фарқ кўриниб турганидек юз йил, яъни бир асрлик вақтни ташкил қилмоқда. Албатта, тадқиқотчиларнинг бу даражада катта фарқли хулосага келишларига мавжуд манбалардаги бу масалада берилган тўлиқсиз ва камчил маълумотлар сабаб бўлган. Уларнинг ҳар бири ўз мулоҳазаларини маълум бир асослар билан исботлашга, далиллашга ҳаракат қилишган. Шунинг учун уларнинг фикрларини тўғридан-тўғри инкор этиш ёки қўллаб-қувватлаш анча мураккаб масаладир.

Бу ўринда К. Шониёзовнинг юқорида келтирилган фикрларини тўғри, деб қабул қиладиган бўлсак, ушбу Қорахонийлар давлатини тўрт юз йил мобайнида бир сулола вакиллари бошқарган бўлиб чиқади⁵. Ўрта Осиё халқлари давлатчилик тарихидан маълумки, давлатни бошқарган сулолаларнинг бу кадар узоқ ҳукмронлик қилган ҳолатлари жуда камдан-кам учрайди. Мисол учун ўз даврининг энг қудратли давлатларидан бўлмиш Турк хоқонлигини бошқарган Ашиналийлар сулоласи узоғи билан икки асрдан камроқ давр мобайнида ҳукмронлик қилишган. Халифалик пойтахти Бағдодни забт этган қудратли Салжуқийлар салтанати ҳам Мовароуннаҳр тарихида бор-йўғи юз йилдан ортиқроқ вақт ҳукм сурган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Албатта, бу

² Шониёзов К. Ш. Қарлук давлати ва қарлуклар. Тошкент: Шарқ, 1999. 165-бет.

³ Бартольд В. В. Соч. Т. V. М., 1968. С. 73.

⁴ История Узбекской ССР. Кн. 1. Ташкент, 1965. С. 242.: Х. Мирзозода. Тарихи адабиёти тоҷик. Душанбе: Маориф, 1983. 3-бет.

⁵ Шониёзов К. Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Тошкент: Шарқ, 2001. 338-бет.

қиёсий солиштиришлардан катъий хулосалар чиқариб бўлмайди. Лекин айтмоқчимизки, Қорахонийлар давлати ўзининг узоқ тарихи мобайнида ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳамда, давлат бошқаруви соҳасида, таркибий хусусиятига кўра кўпгина ўзгаришлар ва ўзига хос янгиликларни ўз бошидан ўтказган бўлиши мумкин. Бу жараёнлар эса ўз навбатида хоқонликни ташкил этган қабилаларнинг давлат ҳаётидаги роли у ёки бу даражада ўзгариши билан ҳам боғлиқ кечган албатта.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, В. В. Бартольд Қорахонийлар давлатини 940 йилда яғмолар ташкил этган, деб ёзган эди.

К. Шониёзовнинг фикрича, В. В. Бартольднинг бундай хулосага келишига Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» асаридаги 940 йил Баласағун шаҳрини мусулмон бўлмаган (маъжусий) лар ишғол қилди, деган ахбороти ҳамда 1126 йил номаълум муаллиф томонидан кўчирма тарзида ёзилган «Маджмал ат-таварих» деб номланган асардаги «буғра яғмо подшоларининг унвони бўлган» каби маълумотлар сабаб бўлган⁶.

Демак, кўриниб турибдики тадқиқотчилар Қорахонийлар давлатини ташкил топган даврини аниқлашда, давлатда қабилаларнинг ўрни ва хоқон унвонларининг номланишига ҳам эътибор беришган.

В. В. Бартольднинг Қорахонийлар давлати 940 йилда ташкил топган, деб келтирган қайдлари, тарихий асарларнинг деярли барчасида асос сифатида қабул қилинган. Масаланинг мураккаблиги ҳам шундаки, В. В. Бартольд ўз фикрларини юқоридаги манбаларга асосланиб келтиради. Шунинг учун унинг мулоҳазаларини тўлиқ инкор этмаган ҳолда танқидий ёндашиб таҳлил қилсак фойдадан холи бўлмайди.

Юқорида қайд қилинганидек, Қорахонийлар давлатини қайси санада ташкил топганлиги тўғрисида яна бошқа қарашлар ҳам мавжуд бўлиб, булар X асрнинг 90-йилларини кўрсатувчи тарихий асарлардир. Кўрсатилган даврдан ҳам англаш мумкинки, бунда асосан, 990 йиллар, яъни Сомонийлар давлати Қорахонийлар томонидан тугатилганлик воқеасининг таъсири бор. Албатта, айти шу даврдан бошлаб, Қорахонийлар давлати ҳақида кўпгина тарихий асарларда сўз юритилиб, улар ўз даврининг қудратли хоқонлиги сифатида таърифланади, лекин бундан Қорахонийлар давлати 990 йиллардан эътиборан ўз фаолиятини бошлаган, деган маъно келиб чиқмайди. Чунки ҳеч бир давлат бир вақтнинг ўзида ҳам ташкил топиб, ҳам қўшни давлатнинг худудларини забт этиши тарихий ҳақиқатга зиддир.

Демак, Қорахонийлар давлатининг ташкил топган санасини X асрнинг 90-йиллари деб кўрсатувчи тарихий асарларга нисбатан айтиш

⁶ Бу ҳақда бошқа алоҳида ишда тўхталиб ўтишни лозим топдик.

мумкинки, Қорахонийлар давлати бу вақтда ташкил топмаган, балки, бу даврга келиб хоқонлик ўз чегара сарҳадларини кенгайтириб, илгариги доирасига нисбатан янада куч-қудратга тўлиб, ҳарбий ҳаракатларни қўшни ҳудудлар томон кенгайтирган.

Шундай қилиб, юқоридаги маълумотларни умумлаштирган ҳолда мулоҳаза юритадиган бўлсак, Қорахонийлар давлатининг юзага келиши тарихий зарурат бўлиб, унинг ўзига хос сиёсий, ижтимоий-иқтисодий замини бўлган. Масалани теран англаш учун бу хусусда қисман тўхталиб ўтишни жоиз, деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, Марказий Осиёнинг Олтой жанубий ёнбағирларидан бошланадиган шарқий қисмида, Марказий Тяньшань этаклари, Чу, Или, Норин ва Талос дарёлари водийлари бўйлаб то Помирғача бўлган ҳудудларда туркий тилда сўзлашувчи қабилалар яшаган. Мазкур қабилалар VI асрнинг иккинчи ярмидан то VIII аср бошларигача Турк хоқонлиги тасарруфида бўлиб келган. Турк хоқонлиги ташқи душманлар билан олиб борган урушлар ва ички қабилавий низолар натижасида 603 йил Ғарбий ва Шарқий ҳудудларга бўлиниб кетади⁷. Лекин, бу билан уларнинг ҳар иккисининг ҳам аҳволи яхшиланиб қолмади. 630 йилда Ғарбий Турк хоқонлигида ички курашлар кескинлашиб кетган эди. Бу даврда хоқонликда ички тахт учун кураш асосан икки, яъни «дулу» ва «нушиби» қабилалари ўртасида кечган. Мавжуд оғир вазиятдан чиқиш, аҳволни яхшилаш ҳамда ўзаро ички низоларга барҳам бериш учун Ғарбий Турк хоқони Ишбара маъмурий ислохот ўтказиб, хоқонликдаги қабилаларни иккига бўлиб, бештасини дулу қабиласи, қолган бештасини нушиби қабиласи атрофида икки ҳарбий туркум сифатида шакллантирди⁸.

Кўриниб турибдики, бу даврда давлатнинг асосини туркий қабилалар ва уларнинг жанговар ҳарбий кучи ташкил этган. Уларнинг турмуш тарзи эса кўчманчи-чорвадорлик асосига қурилган бўлиб, яйлов ерлари ва унга эгалик қилиш ҳуқуқи улар учун ҳаёт-мамонт масаласи бўлиб келган.

Бирок, юқорида номи тилга олиб ўтилган хоқон Ишбаранинг икки йирик туркумга бирлаштирилган қабилаларни ўзаро келиштириш йўлидаги тадбирларидан ҳеч бир натижа чиқмайди. Икки қабила ўртасидаги низо эса хоқонликни заифлаштиради. Айни шундай бир оғир вазиятдан фойдаланган ҳолда Хитой ҳукмдорлари ҳам хоқонлик ҳудудларига

⁷ Г у м и л е в Л. Н. Древние тюрки. М.: Наука, 1967. С. 266.

⁸ Б и ч у р и н И. Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. М.; Л., 1950. Т. 1. С. 289.

боскинчилик юришларини уюштирганлар. Мазкур воқеалар Турк хоқонлигини емирилиб, парчаланиб кетишини тезлаштиради. Унга тегишли худудларда эса 707 йил Туркашлар сулоласи ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Албатта, Туркаш хоқонлигининг ҳам, Турк хоқонлигининг ҳам аҳолисининг таркибий асосини туркий қабилалар ташкил этган. Бунда давлат ўзгармаган, фақатгина давлатни бошқарган сулоалар ўрни алмашган холос. Туркаш давлати ҳам Турк хоқонлиги сингари ички ва ташқи низолардан холи эмас эди. Чунки бу даврда туркашлар шарқда Хитой билан, ғарбда эса Араб халифалигининг кўшинлари билан уруш олиб боришларига тўғри келган. Бундан ташқари, ички қабилавий низолар янада кучайиб борган. Бу кураш асосан туркашларнинг икки йирик этник гуруҳлари, яъни «сариклар» ва «қоралар» ўртасида бир неча йиллардан буён давом этиб келар эди⁹. Ушбу сулолавий ички низолар натижа-сида Туркаш давлати заифлашиб қолган. Бундан фойдаланган қарлуқлар 766 йил туркашлар худуди, яъни Етгисувни бутунлай эгаллаб олишиб ўз ҳукмронликларини ўрнатишади. Қарлуқ қабиласи ва қарлуқлар ху-сусида манба ва адабиётларда жуда кўплаб маълумотлар мавжуддир¹⁰. Мазкур қабила узоқ ўтмишда Олтойнинг ғарбий минтақаларида яшаганлар¹¹. Турк хоқонлиги даврида улар сиёсий жиҳатдан анча фаоллашиб, Иртиш дарёсининг сохилларини, Олтойнинг жанубий ёнбағирларидан то Или дарёсининг шимолигача бўлган худудларни эгаллайдилар. Қарлуқларнинг бир қисми Шарқий Туркистон, Фарғона ва Тохаристон-нинг айрим худудларини ҳам эгаллайдилар¹².

